Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ
УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 265 (13.221).
12 НОЯБРЬ
1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАМИЗ 3.750.000 ТОННАДАН ОШДИ

ҚУВОНЧЛИ ХАБАРЛАР

Чимбой

Район пахтакорлари КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошира бориб, йиллик пахта тайёрлаш планларини бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

Она-Ватан хазинасига 33 минг 800 тонна «оқ олтин» тўкилди. Ленин номли, Калинин номли, Тахтакўпир, «Келес» совхозларида ҳар қачонгидан ҳам мўл ҳосил йиғиб-териб олинди.

Давлатга пахта сотиш қизғин давом қилмоқда.

Кегайли

Партия XXIII съезди шарафига бошланган мусобақада район пахтакорлари ҳам катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 24 минг 700 тонна «оқ олтин» топширилиб, пахта тайёрлаш йиллик плани ошириб адо этилди.

Энгельс номли, Жданов номли, «Кегайли» совхозларида машина теримига алоҳида эътибор берилди. Кўпичлик бригада ва бўлимларда етиштирилган ҳосилнинг катта қисми машиналарда йиғиштириб олинди.

Қўнғирот

Қўнғиротликлар ҳам маррага етиб келдилар. Район меҳнаткашлари пахта тайёрлаш йиллик планини муваффақиятли бажардилар. Бу йил машиналарга кенг йўл очиб берилди. Биргина Киров номли совхоз далаларида 80 дан ортиқ «зангори кема» узлуксиз ишлади.

Шу кунларда дала ишлари конвейер усулида олиб борилмоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЯРИМ МИЛЛИОН ТОННА ТУРКМАН ПАХТАСИ

АШХОБОД, 10 ноябрь. (ТАСС мухбири). Туркманистон пахтакорлари ўз зиммаларига олган қўшимча социалистик мажбуриятни бажардилар. Давлатга 500 минг тонна — ўтган йилдагидан 40 минг тонна кўп пахта топширилди. Республика бунча кўп миқдордаги пахтани ҳеч қачон етиштирмаган эди.

Пахта терими давом этмоқда. Шу билан бир вақтда келгуси йил ҳосили учун замин яратиш ишлари қизитиб юборилди.



Чорвоқ гидроузели қурилиши авж олмоқда. Суратда: республикадаги улкан гидроэнергетика иншоотининг ташлама каналидаги участкалардан бири.

В. Сиротинин фотоси.

СЎЗ — МАШЪАЛАЛАРИМИЗГА

НАВБАТ — ШУДГОРГА

Етти йилликнинг сўнгги йили айниқса қутлуғ келди. Пахтакорларимизнинг бир ёқадан бош чиқариб бамаслаҳат ишлаганликлари, илғор агрономия фани ютуқларидан моҳирона фойдаланганликлари, прогрессив усулларни ишлаб чиқаришга кенг жорий қилганликлари натижасида, қудратли техниканинг кучи билан об-ҳаво инжиқликлари жуда тез енгилди. Табиатдан хайр-эҳсон кутиб турилмади, ундаги бор нарса куч билан тортиб олиниб, ҳар бир туп ғўзанинг тез ривожланишига, серкўсак ва сершох бўлиб ўсишига, пахтанинг барвақт очилишига эришилди. Сентябрь ойининг бошларидаёқ далаларимиз оппоқ пахта билан қопланди.

Ғўза парвариши давридаги сингари пахта йиғим-теримида ҳам колхозчиларимиз янгидан-янги ташаббус кўрсатиб меҳнат қилдилар. КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленумидан кейин дала ишлари айниқса авж олди.

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақаси ўз қудратли кучини кўрсатди. Пахта тайёрлаш йиллик плани районда биринчи бўлиб 13 октябрда бажарилди. Давлатга пландан ташқари 600 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотилиб, дастлабки мажбуриятни ҳам муваффақиятли адо этдик. Ҳозиргача давлат омборига 4000 тоннадан зиёд «оқ олтин» тўкилди. Ҳар гектар ердан пландаги 18 центнер ўрнига қарийб 21,5 центнердан ҳосил йиғиб-териб олинди.

Колхозимиздаги 21 пахтачилик бригадасининг ҳаммаси йиллик планни тўла ва ошириб адо этди. Хўжалигимизда сўнгги икки йил ичида пахта ҳосилдорлиги гектар бошига 9,5 центнер ошди, маҳсулот таннархи кескин камайди.

СССР Министрлар Советининг колхоз ва совхозларнинг пахта етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш тўғрисида шу йил 5 августда чиқарган қарорига кўра колхозимиз пахтадан катта фойда олади. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатдики, хўжалигимиз бу йил давлатга кейинги уч йилда сотилганидан 1224 тонна кўп биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пахта сотди. Биз бундан 350 минг сўм фойда кўрамиз. Бунинг эвазига маҳсулот таннархининг камайиши, ортиқча харажатларнинг қисқариши ҳисобига пландаги 1 миллион 634 минг сўм ўрнига 1 миллион 854 минг 700 сўм даромад қилишни мўлжаллаб турибмиз. Колхозчиларнинг ҳар иш кунига мўлжалдагидан 2 сўм ортиқ — 4 сўмдан пул тақсимлаб берилади.

Йиғим-терим охирлаб қолди. Лекин колхозчиларимиз тиниб-тинчимайдилар. Улар партия ва ҳукуматнинг совет деҳқонлари ҳақида, жумладан, пахтакорлар тўғрисида тинмай қилаётган оталарча ғамхўрлигидан бениҳоя руҳланганлари ҳолда ишлаб, даладаги ҳосилнинг бир чигитини ҳам қўймай жадал йиғиштириб олмоқдалар. Дала ишлари конвейер усулида ташкил этилди. Колхозчиларнинг бир қисми далаларни ҳосилдан тозалаш билан банд, бир қисми машиналарда илдизи билан қўпориб олинган ғўзапояни пайкал четларига чиқариш ишларига сафарбар этилди. Шу тариқа бир пайтнинг ўзида бир неча иш бажариляпти, вақтдан ютиляпти.

Шўрхок бўлмаган пахта майдонининг ҳаммаси ўтган йили кузда чуқур шудгор қилиб қўйилганлиги, шўр ерларнинг тузи яхшилаб ювиб йўқотилганидан кейин об-тобида ҳайдалганлиги чигитни қисқа вақт ичида экиб ва текис ундириб олишда, ғўза парваришини пешма-пеш бошлаб юборишда, пахтанинг эрта муддатларда пишиб етилишига, бинобарин, планнинг ўтган йилдагидан 20 кун олдин бажарилишида катта аҳамиятга эга бўлди. Бу йил ҳам шу тажрибага амал қиляпмиз. Ҳосили тўла йиғиштириб олинган ерлар, бошқа экинлардан бўшаган далалар, шўрхок бўлмаган участкалар шудгор қилинмоқда. Ҳозирга қадар 400 гектардан ортиқ ер чимқирқарли плуглар ўрнатилган тракторлар билан 30-32 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилди.

Бу йил 1900 гектар ерга чигит экдик. Келгуси йилда пахта майдонини 2 минг гектарга етказмоқчимиз. Шу мақсадда Қарши даштидан қўриқ ўзлаштирамиз. Ҳозир янги ерларни текислаш ва ҳайдашга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Қўриққа сув чиқариш йўллари қидирилмоқда.

Ерни эъзозлаган, тупроқнинг унумдорлигини ошириш тадбирларини ўз вақтида кўрган деҳқоннинг қўли доим баланд бўлади. Ана шулардан бири ва энг муҳими — шўрхон ерларнинг тузини ювиб йўқотишдир. Бусиз далаларни экишга тайёрлаб, аввало шудгор қилиб бўлмайди. Шўр ювишни шудгорлашдан кейин ўтказган деҳқоннинг меҳнати зое кетади. Чунки ерни ҳайдаш натижасида тупроққа аралашиб кетган шўр тузни ювиб йўқотиш қийин бўлади. Буни биз ўз тажрибамизда кўриб келмоқдамиз. Ҳар йилдагидек бу йил ҳам шўрхок ерларни шўр ювишдан кейин ҳайдаймиз. Карталар кичик бўлакларга бўлиниб ва бир-бирини кесиб ўтадиган баланд марзалар олиниб, сув қўйилади. Марзалар ернинг паст-баландлигига қараб, узун-калта қилиб олинади. Сув ёппасига оқизилади. Шундай қилинса зарарли тузлар пастга тушиб кетади.

Пахта майдонларимизнинг бир қисмида ер ости сувлари юза жойлашган. Сизот сувларни қочирмасдан туриб шўр ювишни ўтказиб бўлмайди. Акс ҳолда шўр ювиш учун таралган сув сизот сувига қўшилиб, уни юзага чиқариб юбориши мумкин. Бунинг натижасида тупроқ ҳаддан ташқари захлаб кетади, зарарли тузлар ер бетида кўпроқ пайдо бўлади. Бунга йўл қўймаслик учун биз ер ости сувлари чуқурларга тушириб юборилгач, шўр ювиш тадбирларини амалга оширамиз. Шу мақсадда зовурлар тозаланмоқда ва чуқурлаштирилмоқда. Бу ишда машиналардан кенг фойдаланяпмиз.

Далаларни ҳайдаш олдидан ўғитлаш ҳам тупроқнинг унумдорлигини ошириш тадбирларидан бири ҳисобланади. Тупроққа тушган бир тонна гўнг бир неча юз килограмм қўшимча пахта беради. Чунки гўнгда азот моддалари кўп бўлади. Шунга кўра биз тупроқни ўғитга тўйдиришга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Ҳар гектар ерга ҳайдаш олдидан 4-5 тоннадан, янги ўзлаштирилган ва орик ерларга ундан ҳам кўпроқ ўғит солинаётир. Ҳайдаш натижасида ўғит тупроққа яхши қоришиб, унинг кучига куч қўшмоқда. Гўнг зарарли тузларнинг экинга таъсирчини анча камайтиради.

Келаси йилда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари янада кўп етиштирилади. Бунинг тақдири шу кунларда ҳал қилинади. Кузги-қишки тадбирларни пухта амалга оширган пахтакор баҳорда шошилиб қолмайди, чигитни об-тобида экиб ва қийғос ундириб олиш имкониятига эга бўлади. Колхозчиларимиз буни яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам улар йиғим-теримни келгуси йил мўл ҳосилига тайёргарлик кўриш билан қўшиб олиб бормоқдалар. Қалблари қувончга тўлган ҳолда бетиним меҳнат қилиб, дала ишлари суръатини тобора тезлаштираётирлар. Колхоз партия ташкилоти ва правлениеси колхозчиларнинг бу ватанпарварлик ҳаракатини янада кенгайтириб, 1966 йил мўл ҳосили учун пухта замин яратилишига эришадилар.

Худойберди **РАЖАБОВ,**
Қашқадарё область, Қарши районидаги «Ленинизм» колхозининг раиси.

ЛЕНИН ПАРТИЯСИНИНГ XXIII СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ПРАВДА

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг бўлажак XXIII съезди очилишига тўрт ярим ой вақт қолди. Бу катта воқеага бутун партия, бутун совет халқи актив тайёрланмоқда. Партия билан халқнинг буюк ва бузилмас бирлиги съездга тайёргарлик кунларида янги куч билан намоён бўлмоқда.

Ленин партиясининг ҳар бир съезди — партиянинг йўлидаги тарихий босқичдир. Шу съездларнинг ҳар қайсиси партиянинг ривожланишидаги, унинг революцион, ўзгартирувчи фаолиятидаги, совет жамиятининг ҳаётидаги муайян босқичларни белгилаб беради. Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг съездлари ҳамиша бутун дунёда ҳамманинг диққат ва эътиборини ўзига жалб қилади, В. И. Лениннинг таърифи билан айтганда, бу съездлар халқаро коммунистик ҳаракатда ниҳоят даражада катта аҳамиятга эга бўлади.

КПССнинг навбатдаги XXIII съезди халқимизнинг коммунизм қуриш учун курашида янги босқични бошлаб беради. Бу съезд партиянинг XXII съезддан кейинги даврда қилган ишларининг якунларини муҳокама қилади, мамлакатнинг бундан буёнги беш йил учун мўлжалланган ривожланиш истиқболларини кўрсатиб беради, партия ва халқнинг коммунистик қурилишдаги навбатдаги вазифаларини белгилаб беради. Партиямиз марксизм-ленинизмнинг ғолиб революцион таълимоти билан қуролланиб, янги тарихий тажриба билан бойиб, ўзининг қудратли ва бузилмас сафларини жипслаштириб, XXIII съезд сари бормоқда. Партия сафлари ғоявий ва ташкилий жиҳатдан мустаҳкам бўлиб жипслашди, унинг омма билан алоқалари кенгайди ва чуқурлашди. Партия совет халқига тағин ҳам кўпроқ яқин ва жонажон бўлиб қолди, унинг илмий жиҳатдан асосланган ва муайян мақсадга йўналтирилган сиёсатини мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари қизғин равишда қўллаб-қувватламоқдалар.

КПССнинг XXII съездидан кейин ўтган давр ичида жуда катта воқеалар рўй берди. XX ва XXII съездларнинг қарорларида, КПСС Программасида ифодаланган ҳамда КПСС Марказий Комитетининг октябрь (1964 йил) Пленумида ва ундан кейинги Пленумларида янада ривожлантирилган ленинча бош йўлни қатъият билан ва оғишмай амалга ошира бориб, партия ўз фаолиятини битта мақсад сари: Ватанимизни тағин ҳам қудратлироқ қилиш ва яшнатишдан, совет кишиларининг турмушини узлуксиз яхшилашдан иборат бўлган мақсад сари йўлламоқда.

Партия актив ташқи сиёсатни оғишмай ўтказиб келмоқда. Бу ташқи сиёсатнинг моҳияти жаҳон социалистик ҳамдўстлигини бутун чоралар билан мустаҳкамлашдан, халқларнинг озодлик курашини қўллаб-қувватлашдан, ер юзида тинчликни сақлаб қолишдан иборатдир. Бу ташқи сиёсат эса ўз натижаларини бермоқда: Ватанимизнинг халқаро обрўси тағин ҳам баланд кўтарилди, Совет Иттифоқининг, бутун социалистик ҳамдўстликнинг жаҳон миқёсидаги позициялари мустаҳкамланди.

Партиянинг ички сиёсати унинг кун сайин олиб бораётган сиёсий, ташкилотчилик ва тарбиявий иши, халқнинг қаҳрамонона меҳнати коммунистик қурилишнинг янгидан-янги муваффақиятлар қозонишини таъминламоқда. Социалистик давлатимиз тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамланди, унинг иқтисодий ва мудофаа қудрати кучайди, меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг даражаси ошди, фан ва маданиятни ривожлантиришда жиддий муваффақиятлар қўлга киритилди. Ишчилар синфи билан деҳқонларнинг иттифоқи, СССР халқларининг қардошлиги ва дўстлиги тағин ҳам маҳкамроқ бўлиб қолди. Партия томонидан совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбияланган омманинг коммунистик онглилиги ўсиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумидан кейин партия ва халқ социалистик ишлаб чиқаришнинг самаралилигини янада оширишга, саноат ва қишлоқ хўжалигининг ишини яхшилашга ўзининг бутун куч ва ғайратини сарфламоқда. Партия коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга имкон берадиган энг зарур ва туб вазифаларни ҳал қилишга ўзининг бутун эътиборини бермоқда. Бу энг зарур ва туб вазифалар КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумлари қарорларида, Л. И. Брежнев ва А. Н. Косигиннинг шу Пленумлардаги докладларида баён қилиб берилди.

Субъективчилик, волюнтарчилик тарзида иш кўришни партиямиз қатъий равишда қоралаб, ижтимоий ривожланишнинг барча асосий соҳаларида ленинча сиёсатни қадам-бақадам, сира шошилмай ва пала-партишликка йўл қўймай ишлаб чиқмоқда ва амалга оширмоқда. Саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида мўлжалланган чоралар мустаҳкам илмий негизга қурилган, имкониятларимизни ва резервларимизни реалистик баҳолашга асосланган, социалистик экономиканинг қонунларини ва тенденцияларини аниқ ҳисобга олишга, ўз тажрибамизни ҳам, шунингдек социалистик ҳамдўстликдаги қардош мамлакатларнинг тажрибаларини ҳам диққат ва эътибор билан ўрганишга асосланган чоралардир. Бунда гап чуқур ва ҳамма нарсани ўз ичига олган иқтисодий ислоҳот тўғрисида, саноатга ва қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишда оғирлик марказини иқтисодий методларга кўчириш тўғрисида, фаннинг ролини ошириш ва фан-техника муваффақиятларини ишлаб чиқаришга тағин ҳам активроқ жорий қилиш тўғрисида бораётир.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин орада сал кам саккиз ой вақт ўтди, шу Пленум қарорларининг бажарилиш якунларини кенг миқёсда жамлашга ҳали вақт эрта. Лекин шу нарса шубҳасизки, Пленумнинг шу қарорлари қишлоқ хўжалигидаги аҳволга ўзининг яхши таъсирини ўтказганлиги, қишлоқда юксак сиёсий ғайратни ва меҳнат активлигини кучайтириб юборганлиги, колхозчиларнинг ва совхоз ходимларининг ўз меҳнатларининг натижаларидан манфаатдорлигини оширганлиги ҳозироқ кўриниб турибди.

Бу йилги об-ҳаво шароитлари мураккаб бўлди. Кўпгина районларда эса деҳқонлар учун жуда ноқулай бўлди. Шундай бўлса ҳам, колхозчилар, совхозларнинг ходимлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари ҳамма ишларни ҳар қачонгидан кўра яхшироқ ташкил эта олдилар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг ҳамма тармоқларида катта натижаларга эришишга муваффақ бўлдилар.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар КПССнинг XXIII съездига тайёрланиб, қишлоқ хўжалик йилининг якунларини, Марказий Комитет март Пленумининг қарорлари қандай бажарилаётганлигини батафсил муҳокама қилмоқдалар. Иттифоқдош республикалар компартияларининг Марказий Комитетлари, область ва ўлка партия комитетлари, партия ташкилотлари илғор, фойдали ишларнинг ҳаммасини умумлаштиришлари, камчиликларни ва бу камчиликларнинг сабабларини очиб ташлашлари, қишлоқ меҳнаткашларининг куч ва ғайратларини деҳқончилик маданиятини янада юксалтиришга ҳамда колхозлар ва совхозларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашга йўллашлари муҳим ишдир.

Саноат социалистик экономиканинг, халқ фаровонлигини ўстиришнинг ва мамлакатимиз мудофаа қувватини мустаҳкамлашнинг негизи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларини амалга ошириш соҳасида бутун мамлакатда планли иш авж олдириб юборилган бир вазиятда бизнинг партиямиз ўзининг XXIII съезди сари бормоқда. Бу қарорларни бутун партия, бутун совет халқи якдиллик билан маъқуллаб кутиб олди. Бу қарорларнинг моҳияти шундаки, бу қарорлар экономикага раҳбарлик қилишнинг ленинча принципларига тўла равишда мос бўлиб тушмоқда, давлат томонидан ягона асосда планлаштиришни корхоналарнинг тўла равишда хўжалик ҳисоби асосида ишлаши билан, тармоқларни марказлаштирилган ҳолда бошқаришни республикаларнинг ва маҳаллий ташкилотларнинг кенг ташаббуси билан, яккабошчилик принципини ишлаб чиқариш коллективларининг ролини ошириш билан қўшиб олиб боришни таъминлайди.

Хўжаликни бошқаришнинг бундай системаси ҳозирги замон талабларига тағин ҳам кўпроқ мос бўлиб тушади, социалистик тузум имкониятларидан яхшироқ фойдаланишга имкон беради, социализм иқтисодий қонунларининг амал қилишига кенг йўл очиб беради, техника тараққиёти суръатларини тезлаштиради. Ҳар бир корхонанинг фаолиятига шу корхонанинг ижтимоий бойликка қўшган конкрет ҳиссасига қараб баҳо берилади. Иқтисодий воситаларнинг роли кескин равишда кучайтирилади.

Саноатнинг муайян тармоқларини бошқарадиган министрликлар тузилди ва ишга тушди. Москва, Ленинграддаги, Украина, Уралдаги ва мамлакатнинг бошқа районларидаги кўпгина корхоналар 1966 йилнинг 1 январидан бошлаб янгича ишлаш системасига ўтадилар, саноатнинг айрим тармоқлари бу системага аста-секин, 1966 йил ичида ўтадилар, бутун саноатни эса янги системага тўла равишда ҳамма жойда ўтказиш 1967—1968 йилларда тугалланади. Хўжаликни қайта қуришга раҳбарлик қилиш шаҳар, область ва ўлка партия ва совет органларига юклатилди. Шу билан бирга, бу ишда касаба союз ва комсомол ташкилотлари, партия-давлат контроли системаси актив қатнашишлари ва бу иш устидан жамоат контроллигини амалга оширишлари лозим. Бу ишга раҳбарлик қилиш ва уни контроль қилишдаги асосий вазифа шуки, бирлашмалар ва корхоналарнинг хўжалик ишидаги оқилона ташаббусини бутун чоралар билан рағбатлантириб туриш, фойдали тажрибани диққат билан ўрганиб бориш, анализ қилиш ва ёйиш, ҳар бир конкрет ҳолда етилган проблемаларни тўғри ҳал қилиб бериш, йўл қўйилган хатоларни топиш ва йўқотиш, қийинчиликларни зўр бериб енгиш керак.

Етти йиллик планни бажариш тугалланмоқда. Ҳақиқатда эса бизнинг индустриямиз етти йилликда мўлжалланган энг муҳим кўрсаткичлардан 1 ноябрдаёқ ўзиб кетди. Ҳозир янги беш йиллик планини тузиш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишда планлаштирувчи органлар ва министрликлар билан бир қаторда партия, совет, касаба союз ташкилотлари, корхоналарнинг ва илмий муассасаларнинг коллективлари актив қатнашмоқдалар. Мана шуларнинг ҳаммаси план топшириқларида социализм иқтисодий қонунларининг талабларини яхшироқ ҳисобга олишга, саноат тармоқлари ўртасидаги, саноат билан қишлоқ хўжалиги ўртасидаги нисбатни тўғри белгилаб олишга, маҳаллий тажрибалардан ва омманинг ижодий ташаббуси очиб бераётган қўшимча резервлардан тўлиқроқ фойдаланишга имкон беради.

Галдаги беш йилликда партия мамлакатнинг иқтисодий ривожланиш суръатларини жадаллаштириш, шу асосда халқнинг турмуш даражасини ошириш вазифасини қўймоқда. Оғир индустрияни, биринчи навбатда, унинг энергетика, металлургия, химия ва ёқилғи саноати, машинасозлик ва асбобсозлик сингари энг муҳим тармоқларини тағин ҳам кўпроқ ривожлантиришни таъминлаш, қишлоқ хўжалигидаги қолоқликни батамом тугатиш, халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқарувчи саноат тармоқларининг ривожланишини жадаллаштириш, ижтимоий меҳнат унумдорлигини ошириш, миллий даромадни анча кўпайтириш, мамлакатнинг мудофаа қувватини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлаш зарур.

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақа кенг, чинакам умумхалқ мусобақасига айланди. Партия ва давлатнинг сарфлаётган куч ва ғайрати халқ ташаббуси билан узвий равишда қўшилиб бораётганлиги мана шу мусобақада айниқса яққол ва зўр куч билан намоён бўлмоқда. Мусобақанинг миллион-миллион қатнашчилари партиянинг бўлажак съездини план топшириқларини муддатидан олдин бажариш, тағин ҳам мукаммалроқ буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, маҳсулот сифатини яхшилаш билан нишонлашга интилмоқдалар. Мусобақа давомида корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларнинг янгидан-янги резервлари топилмоқда ва ишга солинмоқда. Мусобақа қатнашчилари иқтисодий кўрсаткичларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ эътибор бермоқдалар. КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумларининг қарорларидан келиб чиқаётган идеялар съезд шарафига бўлаётган социалистик мусобақанинг асосий мазмуни бўлиб қолди.

Партиянинг ҳозирги вақтда қилаётган ҳамма иши каби съездга тайёргарлик ҳам етилган проблемаларни ишчанлик руҳида, ижодий ҳал қилиш негизида авж олдирилмоқда. Коммунистларнинг ўн икки миллионли армияси ҳамма ишларни зўр активлик ва жонкуярлик билан бажармоқда. КПСС Марказий Комитетининг октябрь Пленумида ва ундан кейинги Пленумларида қабул қилинган қарорларнинг партия ташкилотлари фаолиятига самарали таъсир ўтказаётганлигининг энг муҳим натижаларидан бири ҳам мана шудир.

Партиямиз партия турмушининг ленинча нормаларига, коллектив раҳбарлик принципига қаттиқ риоя қилинишига эришмоқда, партия ички демократиясини, танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантирмоқда, буни партия ташкилотларининг, барча коммунистларнинг активлигини ва жанговар қобилиятини янада оширишнинг, ўз сафларида уюшқоқликни ва интизомни мустаҳкамлашнинг шарти деб билмоқда.

Мана шуларнинг ҳаммаси кейинги вақтларда бошланғич партия ташкилотларининг бўлиб ўтган ҳисобот-сайлов йиғилишларида, партия активларининг йиғилишларида ва партия комитетларининг пленумларида ёрқин ва яққол намоён бўлди. Хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма участкаларига партиявий раҳбарликни такомиллаштириш тўғрисида астойдил жон куйдириш, юксак талабчанлик, коммунистларнинг ўз корхоналари, қурилишлар, колхозлар, совхозлар, муассасалар иши учун шахсан масъулияти ошганлиги шу йиғилишларда яққол ифодаланди.

Район, шаҳар ва округ партия конференциялари бошланмоқда. Бу конференциялар съездга тайёргарликнинг таркибий қисмидир. Шу конференциялар кетидан область ва ўлка партия конференциялари, иттифоқдош республикалар компартияларининг съездлари ўтказилади. Марказий Комитет март ва сентябрь Пленумларининг қарорларини амалга ошириш йўлида қилинадиган амалий ишларга доир масалалар мазкур конференциялар ва съездларнинг диққат марказида туради. Хўжалик ва маданий қурилишга партиявий раҳбарликни яхшиламоқ учун конкрет равишда нималар қилинганлигини ва қилинаётганлигини шу конференциялар ва съездлар чуқур ва ҳар томонлама анализ қилишлари, тўпланган тажрибани умумлаштириб беришлари, ташкилий-партиявий ишларни ва идеология ишларини, раҳбарликнинг услуби ва методларини такомиллаштиришнинг амалий чораларини белгилаб беришлари лозим. Энг муҳими шуки, бу масалалар ишчанлик руҳида, дабдабасиз ва шовқин-суронсиз муҳокама қилиниши, эришилган муваффақиятларга кибрланмай ва мақтанчоқлик қилмай танқидий баҳо берилиши, хато ва камчиликлар дадиллик билан очиб ташланиши, келажакка мўлжалланган вазифалар аниқ ва конкрет белгилаб олиниши лозим.

Раҳбарлик услубини ленинча принциплар асосида такомиллаштириш партия ташкилотлари ва комитетларидан уларнинг хўжалик раҳбарлари бажариши лозим бўлган ишларни ўз зиммаларига ола бермасликларини, ўзларининг асосий эътиборларини ташкилотчилик ишига, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишга, партия ва ҳукумат директиваларининг бажарилишини контроль қилиб туришга қаратишларини, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни кучайтиришларини талаб этади. Идеология ишларининг, кадрларни марксизм-ленинизм назарияси билан, иқтисодий билимлар билан қуроллантиришнинг аҳамияти бениҳоя ошиб бормоқда.

Янги шароитда бошланғич партия ташкилотларининг роли ва масъулияти айниқса ошмоқда. Халқ хўжалик планларининг тақдири бошланғич партия ташкилотлари ишининг даражасига, барча коммунистларнинг активлигига ва ташаббусига, уларнинг шахсий намуна кўрсатишларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Партия ташкилотлари ўзларининг бутун ташкилотчилик ва ғоявий-тарбиявий ишлари билан меҳнаткашлар кенг оммасини ишлаб чиқаришни бошқаришга тортишга кўмаклашишлари, меҳнаткашларнинг активлигини ва ташаббускорлигини ривожлантиришлари лозим.

КПСС XXIII съездига тайёргарлик бутун партиянинг, барча коммунистларнинг ишидир. В. И. Ленин партия IX съезди арафасида партия ташкилотларига мурожаат қилиб, бундай деб ёзган эди: «Олға бориш керак, олға қараш керак, хўжалик қурилиши соҳасида эришилган, пухта ўйлаб ва диққат-эътибор билан, барча партия аъзоларининг ялпи меҳнати, ялпи куч-ғайрати билан қайта ишлаб чиқилган **амалий тажрибани** съездга олиб келиш керак». СССРда хўжалик қурилиши масалалари жуда катта халқаро аҳамиятга эга бўлиб қолган ҳозирги вақтда бу кўрсатма алоҳида куч билан янграмоқда. Партия ва халқ мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлашни ўзининг олий интернационал бурчи, деб билмоқда.

Съездга тайёргарлик кўрилаётган маҳалда, партия ташкилотлари, шунингдек Советлар, касаба союзлар, комсомол, интеллигенция ижодий ташкилотлари турмушининг ва фаолиятининг ҳамма томонлари тағин ҳам кўпроқ активлашмоқда. Халқ оммасининг яратувчилик фаолияти тағин ҳам кенг авж олиб кетади. Идеология ишининг ҳамма воситалари, шу жумладан оғзаки ва босма пропаганда, газеталаримиз, журналларимиз, радио, телевидение мана шу мақсадга хизмат қилиши лозим.

Совет халқининг жанговар, синалган авангарди бўлган КПСС ғайрат ва ижодий кучга тўлиб тошган ҳолда, ўз мақсадларини ва шу мақсадларга эришиш йўлларини равшан кўриб туриб, ўзининг XXIII съезди сари бормоқда. Партия сиёсатини марксизм-ленинизм назариясининг нури ёритиб турибди, бу сиёсат халқнинг туб манфаатларини ифодаламоқда. Партиянинг ленинча йўлини Ватанимизнинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватламоқдалар. Планларимизнинг ҳаётийлигини ва реаллигини таъминловчи гарантия мана шу, коммунизм қуришда совет халқи эришаётган янги муваффақиятларнинг гарови мана шу.

(1965 йил 11 ноябрдаги бош мақола).

„ОҚ ОЛТИН“ ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 11 НОЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

[Планга нисбатан процент ҳисобида]

ОБЛАСТЛАР

ХОРАЗМ — бир кунда 0,25, мавсум бошидан 115,62, **ТОШКЕНТ** — бир кунда 0,01, мавсум бошидан 111,79, **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР** — бир кунда 0,28, мавсум бошидан 108,03, **САМАРҚАНД** — бир кунда 0,04, мавсум бошидан 107,70, **СУРХОНДАРЁ** — бир кунда 0,07, мавсум бошидан 107,69, **ФАРҒОНА** — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 102,98, **ҚАШҚАДАРЁ** — бир кунда—мавсум бошидан 100,62, **АНДИЖОН** — бир кунда 0,09, мавсум бошидан 100,54, **Бухоро** — бир кунда 0,13, мавсум бошидан 98,38, **Сирдарё**—бир кунда 0,01, мавсум бошидан 97,49.

ЎЗБЕКИСТОН ССР бўйича — бир кунда 0,11, мавсум бошидан 104,18.

Республикада 10 ноябрь куни 4145 тонна пахта тайёрланди.

РАЙОНЛАР

(Планга нисбатан процент ҳисобида, биринчи стун — областлар ва районлар, иккинчи стун — мавсум бошидан буён тайёрланган пахта, учинчи стун — машинада терилган пахта)

ХОРАЗМ ОБЛАСТИ

Янгиариқ	123,03	85,41
Шовот	118,00	118,73
Урганч	116,60	100,71
Хива	115,54	84,72
Ҳазорасп	112,94	85,24
Гурлан	106,99	98,37

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ

Орджоникидзе	124,74	116,20
Оққўрғон	115,69	132,66
Урта Чирчиқ	114,86	112,52
Юқори Чирчиқ	113,62	123,47
Калинин	112,54	72,12
Бўка	109,82	114,17
Янгийўл	108,14	98,82
Бекобод	103,84	100,46

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР

Беруний	115,56	76,63
Хўжайли	111,72	65,46
Тўрткўл	111,69	77,71
Амударё	109,20	81,31
Чимбой	101,95	65,28
Кегайли	100,51	109,01
Қўнғирот	100,42	87,59

САМАРҚАНД ОБЛАСТИ

Ғаллаорол	125,88	—
Нарпай	114,96	84,48
Хатирчи	112,00	84,07
Каттақўрғон	109,73	76,28
Булунғур	106,03	77,44
Пайариқ	105,98	78,97
Пастдарғом	103,86	55,46
Иштихон	102,71	60,80
Самарқанд	98,09	100,14

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ

Шўрчи	113,34	103,63
Шеробод	108,95	45,29
Сариосиё	108,50	116,17
Жарқўрғон	108,38	100,56
Денов	104,99	100,16
Термиз	100,15	44,44

ФАРҒОНА ОБЛАСТИ

Киров	121,38	108,39
Узбекистон	109,82	101,97
Поп	106,58	103,86
Бағдод	102,61	84,16
Ленинград	102,53	86,59
Олтиариқ	98,75	75,36
Охунбобоев	97,90	89,83
Фарғона	96,99	71,03
Қува	95,26	98,58

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ

Чироқчи	120,83	25,54
Қамаши	110,86	47,80
Шаҳрисабз	110,45	35,41
Ғузор	104,66	95,00
Яккабоғ	103,01	27,54
Косон	91,14	53,00
Қарши	74,13	30,43

АНДИЖОН ОБЛАСТИ

Бўз	118,09	115,13
Задарё	117,26	109,93
Чуст	107,67	81,48
Наманган	106,30	68,07
Москва	102,86	88,05
Учқўрғон	102,11	90,10
Янгиқўрғон	100,87	78,27
Хўжаобод	100,25	85,19
Балиқчи	98,65	100,01
Ленин	98,07	53,74
Қўрғонтепа	97,74	95,51
Избоскан	93,40	78,85
Андижон	89,21	35,22

БУХОРО ОБЛАСТИ

Ғиждувон	103,26	28,53
Бухоро	102,72	29,15
Когон	101,32	35,23
Вобкент	100,26	16,93
Навоий	97,63	33,08
Ромитан	93,59	30,03
Қоракўл	91,64	23,41

СИРДАРЁ ОБЛАСТИ

Пахтаорол	108,86	130,26
Боёвут	102,46	108,56
Жиззах	101,53	116,25
Киров	101,49	123,66
Сирдарё	96,79	101,50
Гулистон	93,21	103,83
Еттисой	92,59	88,60
Ильич	84,88	107,00

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СИФАТ УЧУН

П. ЧЕКИН,
Бухоро область партия комитетининг секретари

◆ ◆

Партия Марказий Комитети сентябрь Пленуми қарорларини зўр қониқиш ҳисси билан кутиб олиб, уни қунт билан ўрганаётган Бухоро область саноат корхоналарининг коллективлари маҳсулот сифати учун курашни биринчи ўринга қўймоқдалар. Чунончи, Бухоро уйсозлик комбинатининг коммунистлари ўтган йили янги уй-жойларни қуриб ишга тушириш юзасидан белгиланган планни 124 процент бажарган эди. Қурилиш-монтаж ишларининг таннархи мўлжалдагидан 175 минг сўм арзонлашди. Қурилиш сифати аввалги йиллардагига нисбатан анча яхшиланди. Комбинат коммунистлари (партия ташкилотининг секретари ўртоқ Б. Ражабов) шу кунларда қурилиш суръати ва сифати учун курашда шаҳар корхоналари ўртасида пешқадамлик қилмоқдалар. Буни қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билса бўлади: қурилишда илғор технологияни кенг қўлланиш ва индустриал методларни жорий қилиш туфайли ҳозиргача ҳар бир ишчи-коммунист бултургига нисбатан 979 сўмлик кўп қурилиш ишларини бажарди. Ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархи 17,4 минг сўм арзонлаштирилди. Маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг сифатини яхшилаш ҳар бир коммунистнинг, илғор ишчининг диққат марказида турибди. Шу кунгача фойдаланишга топширилган 22 та уйнинг 13 таси «аъло», 9 таси «яхши» баҳо билан қабул қилиниб олинганлиги бинокорларимизнинг ўз ишларига виждонан, коммунистик муносабатда бўлаётганлигини кўрсатди. Мазкур комбинат коллективи Э. Охунжонов, В. Жабборов, К. Жуманиёзов, Ф. Шодиев каби ташаббускор, ишбилармон ўнлаб коммунистлари билан фахрланса арзийди.

КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилган «ВЛКСМ XX йиллиги» тикувчилик фабрикасининг ишчилари, инженер-техник ходимлари етти йиллик маррадан аллақачон ўзиб кетишган. Корхона коллективи етти йиллик планда кўзда тутилганидан ташқари қарийб 40 минг сўмлик сифатли кийим-кечак ишлаб чиқардилар. Шу давр мобайнида фабрика фақат маҳсулот сифатини яхшилаш йўли билан бир неча ўн минг сўм фойда кўрди. Хўш, бу муваффақиятларга қандай қилиб эришилмоқда? Аввало шуни айтиш кераккi, ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларида билимдон, ташаббускор, ташкилотчи коммунистлар меҳнат қилмоқдалар. Фабрика партия ташкилоти ишлаб чиқаришга тўғри, ишнинг кўзини билиб раҳбарлик қилаётир. Фабрикада Р. Очилова, Х. Бафоева, М. Королёва сингари ўнлаб илғор коммунистлар, ишлаб чиқариш аълочилари маҳсулот сифати учун курашда ҳаммага бош-қош бўлмоқдалар. Бу ерда Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Раҳима Бафоева бошлиқ доимий ҳаракатдаги сифат комиссияси ишлаб турибди. Комиссия аъзолари иш вақтида ва ишдан ташқари пайтларда цехларда бўлиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўздан кечирадилар. Ёш ишчиларга қимматли маслаҳатлар бериб борадилар.

Умуман Бухоро шаҳар саноат корхоналари, қурилиш, транспорт ва савдо ташкилотларининг коллективлари партия ташкилотлари раҳбарлигида Москва, Ленинграддаги ҳамкасбларининг изидан бориб, маҳсулот сифати учун курашда талай ютуқларни қўлга киритдилар. Улар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича етти йиллик план топшириқларини муддатидан тўрт ой аввал бажаришга муваффақ бўлдилар. Шу давр ичида 230 дан ортиқ ихтирочилик, рационализаторлик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу ҳар йили/ўртача 200 минг сўм давлат маблағини/тежаб қолиш имкониятини берди.

Етти йиллик кўрсаткичлари қуйидагича бўлди: область саноатининг умумий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,1 марта кўпайди. Электр энергияси ҳосил қилиш 15 марта, трикотаж ва кийим-кечак ишлаб чиқариш 10 марта ошди. Шу давр мобайнида газ саноатининг вужудга келиши фақат областимиздагина эмас, республика экономикасида ҳам катта ўзгаришларни вужудга келтирмоқда. Ҳозир серқуёш ўлкамиздаги 19 шаҳар, 230 саноат корхонаси, 265 мингдан кўпроқ хонадон Бухоро зангори оловидан баҳраманд бўлаётир. Бухоро газини ишлаб чиқаришда кенг қўлланиш туфайли ҳозиргача давлатнинг 95 миллион сўм маблағи тежаб қолинди. Келгусида Бухоро Совет Иттифоқининг Шарқдаги энг йирик энергетика, газ, нефть саноати ривожланган шаҳарларидан бирига айланиб қолади.

Етти йилликда Ўрта Осиёда энг йирик ҳисобланган Навоий химия комбинати барпо этилди. Комбинат коммунистлари 1966 йилда корхонанинг ишлаб чиқариш қувватини икки ҳисса оширишга тайёргарлик кўрмоқдалар. Бу ерда келаси йилдан сунъий тола ишлаб чиқариш ўзлаштирилади.

Ўтган етти йилликда область саноат корхоналари партия ташкилотларининг фаолияти анча кенгайтирилди. Уларнинг ташаббускорлиги оширилди. Коммунистларнинг ғайрат, шижоатлари билан ишлаб турган завод ва фабрикалар қаторига бир неча янги корхоналар қўшилди. Бухоро ёғ заводи, трикотаж фабрикаси, пахта тозалаш заводи, гўшт комбинатларининг ишлаб чиқариш қувватлари оширилди. Бу тадбирларни амалга ошириш жараёнида жуда кўп коммунистик меҳнат бригадалари, зарбдорлари вужудга келди. Меҳнатда суяги қотган кекса коммунистлар, ишлаб чиқариш ветеранлари ёшларга ўз билим, тажрибаларини қунт билан ўргатмоқдалар. Шу кунларда қайси бир завод ёки фабрикада бўлманг бу ерда довюрак, меҳнатсевар, сиёсий етук ишбилармон коммунистларни учратасиз. Область саноат корхоналарида ҳозир 6900 дан ортиқ коммунист, 10700 дан зиёд комсомол маҳсулот сифати учун курашда авангард бўлмоқда.

Областимиз саноат корхоналарининг коллективлари тошкентлик ҳамкасбларининг ташаббусига қўшилиб, қўшимча мажбурият олдилар, йил охиригача планда кўзда тутилганидан ташқари яна 3,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти: 160 миллион кубометр табиий газ, 7,6 минг тонна нефть, 50 миллион киловатт-соат электр энергияси, 8,5 минг тонна пахта толаси, 70 минг дона трикотаж ва кийим-кечак ишлаб чиқариш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш кераккi, саноат тармоқларини кўп сонли комитетлар ва халқ хўжалиги кенгашлари ихтиёрига бўйсундириб келинганлиги областимиз саноатининг янада гуркираб ўсишига салбий таъсир кўрсатди. Айтайлик, капитал қурилишни планлаштириш ҳамда маблағ билан таъминлаш соҳасидаги чалкашликлар оқибатида 1958 йилда қурила бошлаган Бухоро техника ремонт заводи ҳанузгача ишга туширилмай келаётир. Консерва заводи, ун комбинати қурилиши, Навоий шаҳар сут-мой комбинатлари баъзи республика ташкилотларининг айби билан кечиктириб юборилмоқда. Совет Иттифоқида энг йирик ҳисобланган Қоракўл тери ошлаш заводининг ишлаб чиқариш қувватини ошириш мақсадида 1961 йили унинг цехларини реконструкция қилиш планга киритилган эди. Аммо республика Халқ хўжалиги кенгаши буни ҳанузгача ҳал этмай келди. Бу эса маҳсулотнинг жаҳон стандарти учун курашаётган мазкур корхона ишини қийинлаштириб келаётир.

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари шунга ўхшаш чалкашлик ва хатоларнинг такрорланишига чек қўйди. Директорларнинг ишлаб чиқаришдаги роли оширилди. Корхона фондларининг вужудга келиши, айниқса, маҳсулот сифатини яхшилашга кенг имкониятлар очиб беради.

Бухоро область саноат корхоналарининг коммунистлари сентябрь Пленуми қарорларидан руҳланиб, ҳалқимизнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини сифатли маҳсулот билан таъминлаш учун бундан кейин ҳам ташаббус кўрсатиб меҳнат қиладилар. Жонажон Коммунистик партия ишончини, халқ ишончини оқлайдилар.

СЪЕЗД ВАХТАСИДА

Республикамиз саноатининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари етти йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун зўр бериб курашмоқдалар. Кўпгина завод ва фабрикалар, қурилиш ташкилотлари етти йиллик марраси эгалланганлиги ҳақида ғалаба рапортлари бердилар. Саноатимизнинг юзлаб карвонбошилари 1966 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар. Улар коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатмоқдалар. Сиз чапдаги суратда жонкуяр ишчи, коммунист Файзулла Алимовни кўриб турибсиз. У «Таштрам» заводининг механика цехидаги илғор ишчилардан бири. Ўнгдаги суратда эса аҳолига сифатли пойафзал етказиб беришга бел боғлаган билимдон ишчилардан Т. Аъзамов ва М. Маърупов ўртоқлар. Улар смена топшириқларини ортиғи билан бажариб, аъло сифатли маҳсулот тайёрламоқдалар. Бу жонкуярлар Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасида ёнма-ён ишлашяпти.

А. Тўраев ва **А. Светланова** фотолари.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

«ТОШКЕНТ» бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босмадан чиқарди:

Ҳабиб Нуъмон, Аҳмад Шораҳмедов. ОТА. Тарихий роман. Биринчи китоб. Китобда республикамизнинг биринчи президенти, ўзбек халқининг оқсоқоли Йўлдош Охунбобоев ҳаёти ва жўшқин фаолияти тасвирланган. 360 бет, тиражи 60.000, баҳоси 78 тийин.

Иззат Султон. НОМАЪЛУМ КИШИ. Пьеса ва шеърий драмалар. Қўзғолончилар бошлиғи Ниёзни осадилар. Бироқ, бошқа бир қўзғолончи Ниёз бўлиб чиқади. У Ниёзни ҳам тутадилар. Аммо яна бошқа бир қўзғолончи ўзини Ниёз деб кўрсатади. Асарда мардликни, жасурликни, адолатни осиб ҳам, ўлдириб ҳам бўлмайди, деган ғоя илгари сурилади. Драматургнинг бу китобга киритилган «Номаълум киши» тарихий драмасида шу воқеалар акс эттирилган. Воқеа 1905 йилда Бухоро амирлиги вақтида бўлиб ўтган.

Кришан Чандр. БИР ҚИЗГА МИНГ ОШИҚ. Роман. Русчадан Қодир Мирмуҳамедов таржимаси. Романда лўлиларнинг фақат битта жамоаси ҳақида ва ҳар қадамда ҳаётнинг улуғворлигини тараннум этувчи довюрак лўли қиз ҳақида ҳикоя қилинади. 172 бет. Тиражи 30.000, баҳоси 45 тийин.

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЖАМОЛИ

Газета темасида

Социалистик қишлоқларимизнинг ҳусни-жамоли тобора очилиб обод бўлиб бормоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг турмуши эса тағин ҳам фаровонлашмоқда. Коммунистик партиямизнинг одамлар ҳақида, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш тўғрисида ғамхўрлик қилишидан ҳам муҳимроқ вазифаси йўқ. Дарҳақиқат, партия, ҳукуматимизнинг меҳнаткашлар маданий-маиший шароитларини яхшилаш борасида амалга ошираётган тадбирлари ҳаммамизни қувонтиради. Чунончи, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг меҳнаткашларга маданий-маиший хизматни яхшилаш ҳақидаги қарори бошланғич партия ташкилотларининг кишилар ҳақидаги ғамхўрлигини янада кучайтириб юборди. Қишлоқларимизда маданий қурилиш авж олиб кетди. Кишиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда.

Қишлоқ қурилиши, маданияти, қишлоқ меҳнаткашларига маиший хизмат кўрсатиш масалалари газеталаримиз саҳифаларидан ҳам кейинги вақтларда тобора кенгроқ ўрин олиб бормоқда. Бу масаланинг ғоят муҳим аҳамиятга эга эканлигини тушунган кўплаб область ва район газеталарининг ижодий коллективлари жойларда аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг аҳволи, проблемалари, қишлоқ қурилишининг муҳим масалаларини моҳирлик билан ёритмоқдалар. Айниқса бу ўринда Сирдарё областида чиқадиган **«Сирдарьинская правда»** газетасининг ибратли ишларини кўрсатиб ўтиш даркор.

Редакция коллективи Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида колхоз, совхозларнинг партия ташкилотлари қандай ишлар қилаётганликлари, бу соҳада қандай ютуқ ва камчиликлар борлигини конкрет кўрсатиб берувчи ёрқин материаллар босиб чиқармоқда. Бу материаллар хоҳ йирик корреспонденция, хоҳ бадиий лавҳа ёки миттигина хабар бўлмасин, уларда қишлоқ аҳолисига маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг энг зарур, энг муҳим масалалари тилга олинади. Газетада маданий-маиший хизматни, қишлоқ қурилишини намунали йўлга қўйган партия ва хўжалик ташкилотларининг ибратли тажрибалари характерли мисолларда очиб берилади. Шунингдек, аҳолига маиший хизмат кўрсатишга панжа орасидан қараётган, одамларга меҳрибонлик қилмаётган раҳбарлар қаттиқ танқид қилинади.

Областда пахта теримининг бошланиши арафасида редакция ташаббуси билан «Сешанбалик» ўтказилди. Бунда меҳнаткашларга маданий-маиший хизмат кўрсатувчи ташкилот, корхоналарнинг ходимлари, шунингдек область газетасининг ходимлари иштирок этдилар. Ўзаро суҳбат пайтида улкан «оқ олтин» хирмони учун курашга бел боғлаган область пахтакорларига унумли ишлашлари учун қандай қулайликлар яратилиши, маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан алоқадор бўлган масалалар юзасидан қизғин фикр олишув бўлди. Газетада босилган «Пахтакор, ҳаммаси сенинг учун» сарлавҳали йирик материал ана шу «Сешанбалик»ка бағишланган. Герман Титов номли 6-совхоз ишчилар комитетининг раиси А. Жавлоновнинг «Кишилар ҳақида ғамхўрлик — муҳим масала» сарлавҳали мақоласида ҳам пахтакорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим томонлари ҳақида гап боради. Автор далада ишлаётганлар учун медицина, савдо хизматини яхшилаш, айниқса иссиқ овқат ташкил қилишни кучайтириш борасида қимматли фикрлар билдиради. «Ишчилар комитетининг, совхозимиз барча коммунистлари, бошланғич партия ташкилотларининг пахтакорларга қулай маданий-маиший шароит яратиб беришдан шарафлироқ иши йўқ, — ёзади автор. — Ҳозирги куннинг талаби ана шу».

Областдаги Киров райони ижроия комитетининг маданий-оқартув ишлар бўйича доимий комиссиясининг секретари С. Умрбоевнинг «Советлар ва маданий фронт» сарлавҳали мақоласи ҳам диққатга сазовордир. Мақола автори меҳнаткашлар турмуш маданиятини кўтаришда советларнинг ва барча депутатларнинг ролини ошириш лозимлигини алоҳида кўрсатиб ўтади. Қишлоқ Советлари, ёзади автор, колхоз ва совхозларнинг партия ташкилотлари билан ҳамкорликда медицина, савдо хизматини яхшилаш ҳақида амалий тадбирлар белгилаши ҳамда амалга ошириши лозим. Шундагина қишлоқ Советлари, депутатларимизнинг умумий ишимизга қўшган ҳиссаси салмоқли бўлади.

Қишлоқ маданияти, қишлоқ қурилиши ҳақида берилаётган лавҳа, корреспонденциялар зўр маҳорат билан ёзилган. Уларда колхоз, совхозларда олиб борилаётган маданий қурилишнинг кенг панорамаси, қишлоқ аҳолисининг яхши ишлаб, яхши дам олиши ёрқин акс этмоқда. Чунончи, Р. Тўраевнинг «Қишлоқ оқшомлари» лавҳаси ўқувчини ўзига тортади. Лавҳада областдаги йирик хўжалик—«Октябрь 30 йиллиги» совхози қишлоғининг обод гўзал қиёфаси, янги қурилишлар ҳақида қизиқарли ҳикоя қилинган. Кун бўйи далаларда ҳалол меҳнат қилиб қайтган совхоз ишчи ва хизматчилари клубларда, кинотеатрларда, кутубхона ва маданият университетларида ҳузур қилиб дам оладилар, ўз савиясини оширадилар. Қишлоқ қурилиши ҳақида берилган бошқа материаллар ҳам темасининг актуаллиги, ёзилиш маҳорати билан ажралиб туради. Чунончи, область партия комитетининг қурилиш бўлими мудири ўртоқ Х. Ҳожиматовнинг «Қишлоқ қурилишини яхшилайлик» сарлавҳали мақоласини олиб кўрайлик. Мақолада қишлоқ қурилишининг ютуқлари таъкидланиши билан бирга, бу соҳадаги камчиликлар рўй-рост очиб ташланган. Айниқса автор колхозлараро қурилиш ташкилотларини билимдон кадрлар билан мустаҳкамлаш ҳақида куйиниб гапиради.

Область газетаси қишлоқ маданиятини ранг-баранг рубрикалар остида ёритмоқда. «Қишлоқ янгилиги», «Маиший темада», «Саломатлик хизмати», «Колхоз маданияти» ва бошқа рубрикалар газета саҳифасида доимий ўрин олган. Шуни ҳам қайд қилиб ўтиш лозимки, «Сирдарьинская правда» қишлоқ маданияти, маданий-маиший хизмат кўрсатиш темасини кенг ёритиш билан бирга бошқа соҳаларни ҳам унутаётгани йўқ. Айниқса газетада партия турмуши темасида берилаётган материаллар ўзининг мазмундорлиги, ранг-баранглиги билан ажралиб туради. Уларда бошланғич партия ташкилотларининг жанговар фаолияти, партия ички демократияси, коммунистларнинг авангардлик роли, партиявий ишда жамоатчилик асослари батафсил ўз аксини топмоқда. Шуниси қувончлики, область, район партия комитетлари ходимлари, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг секретарлари, оддий коммунистларнинг мақолаларига кенг ўрин беряпти. Айниқса «Етакчилар ҳақида ҳикоя қиламиз» рубрикаси остида коммунистлар тўғрисида берилаётган очерк, лавҳалар газетхон диққатини ўзига тортади.

Областда чиқадиган **«Сирдарё ҳақиқати»** газетаси коллективи ҳам муҳим масалаларни яхши ёритишда ўз қўшнилари — «Сирдарьинская правда» редакциясидан қолишмаётир. Мазкур газета саҳифаларида ҳам партия турмуши масалалари, қишлоқ маданияти, пахтачиликни механизациялаштириш темаларига кенг ўрин берилмоқда. «Сирдарё ҳақиқати» газетаси материаллари ўзининг ўткирлиги, жанговарлиги, партия ва халқ хўжалигига оид актуал масалаларни дадил кўтариб чиқиши билан ибратлидир. Газета ўз материалларининг таъсирчанлиги учун изчиллик билан курашмоқда. Унинг саҳифаларида босилган кўпгина танқидий материаллар камчиликларни бартараф қилиш, қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизматни яхшилашга ҳисса қўшяпти.

Ҳар икки газета ҳам қўриқ ер областининг шон-шуҳратини ошириш, унинг пахтачиликни ривожлантиришдаги мавқеини юқори кўтариш, область меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялаш борасида жанговар минбар бўлиб хизмат қилмоқда. Уларнинг фаолияти бундан кейин ҳам юксак савияда, замонамиз, партиямиз талаблари даражасида бўлиши керак.

МАҲАЛЛИЙ СОВЕТЛАР ВА ҲАЁТ

ИЛҒОРЛАР

Чортоқда пахта ишқида тунни тонгга, кундузни оқшомга улаб ишлаётган жонбоз депутатлар фаолияти билан танишдик. Қишлоқ Советининг раиси ёш коммунист Шодмонжон Солиев гапнинг лўндасини айтди:

— Қишлоқ Советимиз территориясида, — деди у,—икки йирик хўжалик — Навоий номли ҳамда «Октябрь» колхозлари бор. Кўп тармоқли бу иккала колхоз ҳам йил сайин янги чўққиларни эгаллаяпти. Буни биргина пахтачилик мисолида яққол сезиш мумкин.

Навоий номли ва «Октябрь» колхозлари бу йил она-Ватанга 11700 тонна, яъни шартномада кўзда тутилганидан 430 тонна кўпроқ дурдона етказиб берди. Районда биринчилар қаторида марpага етди.

Бу муваффақиятларни қўлга киритишда депутатларнинг ҳам ҳиссаси катта. Ўттизга яқин депутат бригада ва звеноларни бошқаришяпти. Навоий номли колхоздан Ж. Иброҳимов, Б. Тўрабоев, «Октябрь» колхозидан Меҳриxон Қозоқова, Тўтихон Каримова, А. Тўйчибоев ва бошқа ўртоқлар раҳбарлик қилаётган бригадалар йиллик пахта тайёрлаш планини биринчилар қатори адо этдилар.

Қишлоқ Советимиз ҳузурида ташкил этилган қишлоқ хўжалиги доимий комиссиясининг иши диққатга сазовордир. Агроном ўртоқ А. Мажнунов раислик қилаётган бу комиссия аъзолари пахтачиликнинг барча соҳаларига дадил ва ишбилармонлик билан ёндошиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини аямаяптилар, камчиликларни рўй-рост очиб ташлаб, олға силжишга катта ҳисса қўшаётирлар. Айни пайтда қишлоқ Совети правлениесининг ходимлари ҳам белларига этак тутиб, пахтазорда жавлон урмоқдалар. Гулнора Ахтамова, Шарофат Холмирзаева ва бошқа ўртоқлар чевар теримчилар билан басма-басига ишлаб, бир неча тонналик хирмонни уйиб қўйишди.

Далада ҳали ҳосил мўл. Эндиги гап унинг бирон мисқолини ҳам нест-нобуд қилмай териб олишда қолди.

Ҳ. ТОЖИБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухсус мухбири.
Янгиқўрғон- райони.

МАТБУОТЧИЛАРГА ТОРТИҚ

«Ўзбекистон матбуоти» — «Печать Узбекистана» журнали 1966 йилнинг январидан бошлаб республика Матбуот комитети ҳамда Журналистлар союзининг органи сифатида чиқа бошлайди. Шуниси қувончлики, журнал энди ҳар ойда чиқарилиб, ҳажми 2-3 босма листга етказилади.

«Ўзбекистон матбуоти» журнали газета, журналларнинг ходимлари, ишчи-деҳқон мухбирлари, босмахона ва китоб савдоси ходимлари, шунингдек, студентларга мўлжалланади. Унда матбуот, радио ва телевидение олдида турган масалалар, республика, область, шаҳар, район газеталари ҳамда кўп тиражли газеталар, журналлар, нашриётларнинг тажриба, ташаббуслари кенг ёритилади. Агар бу йил журналда газета жанрларига, айниқса партиявий публицистика жанрига доир материаллар кўплаб берилган бўлса, келаси йилдан бошлаб газетачилик, телевидение ва радионинг энг муҳим проблемаларига доир бир қатор қизиқарли мақолалар берилади. Журнал саҳифаларида «Газета ва журналлар редакцияларида», «Газетанинг тили ва стили», «Публицистика ва экономика», «Редактор минбари», «Журналист блокнотидан», «Матбуот обзори», «Деворий газета редакторига ёрдам», «Ишчи-қишлоқ мухбирларининг сиртқи мактаби», «Бизнинг консультация», «Полиграфия янгиликлари», «Радио-телевизион клуб» каби рубрикалар остида қизиқарли материаллар босилади.

Янги йилдан бошлаб журналда айниқса полиграфия ва нашриётлар ҳаёти ўзининг кенг аксини топади. Полиграфия, нашриётларнинг фаолияти, иқтисодий ҳаёти, чиқарилаётган маҳсулотларнинг юқори сифати тўғрисида батафсил ҳикоя қилиб борилади. Таниқли журналистлар, қишлоқ ва ишчи мухбирларининг, телевидение ва радио ходимларининг материалларига ҳам кенг ўрин берилади. «Ёш журналистлар ижоди» деган янги бўлим очилади.

«Ўзбекистон матбуоти» журналининг ҳар ойда чиқиши, ҳажмининг кенгайганлиги матбуот ходимларининг ўзаро тажриба алмашишида, газета ва журналлар редакциялари зиммасида турган муҳим проблемаларни ҳал қилишда катта ёрдам бериши шак-шубҳасиздир. Бу журналга обуна бўлиш ҳар бир журналист, ҳар бир қишлоқ ва ишчи мухбири, шунингдек, полиграфия ва нашриёт ходимларининг шарафли бурчидир. Журналга обуна қабул қилиш шу йилнинг 25 ноябригача давом этади. Журналист, ўз журналингга обуна бўлишни унутма!

КУЗГИ ДОННИ ТЕЗ ЭКИНГ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида жуда катта вазифалар турибди. Ана шулардан бири кузги донни ўз вақтида ва юқори сифатли экиб олиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишдир.

Республикамизнинг илғор колхоз ва совхозлари ҳар йили кузги дон экишни уюшқоқлик билан ўтказиб, ғалладан мўл ҳосил олмоқдалар. Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли, «Кўкдала», Карл Маркс номли совхозлар кузги ғалланинг ҳар гектаридан 10-13 центнердан ва ҳатто ундан ҳам кўп ҳосил олдилар. Самарқанд областидаги Каттақўрғон районининг хўжаликлари бу йил юз берган об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, 34,6 минг гектар ернинг ҳар гектаридан ўртача 6 центнердан, кўпгина колхоз ва совхозлар 8-10 центнердан дон олдилар.

Кузги буғдой, арпа ва бошқа бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етиштириш, уни ўз вақтида ва юқори сифатли экиб олишга, бу ишда агротехника тадбирларини қунт билан амалга оширишга боғлиқдир. Ҳозир ана шундай пайт. Кузги донни қора совуқ тушгунча экиб олган ғаллакорнинг қўли баланд бўлади. Буни яхши тушунган илғор хўжаликларнинг ғаллакорлари ҳамма имкониятларни ишга солиб, кузги дон экиш суръатини кундан-кунга жадаллаштирмоқдалар.

Сирдарё областининг қўриқ ерларидаги ғаллакор колхоз ва совхозлар ҳозиргача 137,5 минг гектар ерга кузги буғдой ва арпа экдилар. «Ударник», 1-«Зомин» совхозлари дон экиш планини 75 процентдан ошириб адо этдилар. 1-«Зомин» совхозининг тракторчиси Орзиқул Омонлиқов учта дон сеялкасини бир-бирига тиркаб ишлатиб, кунига нормадаги 25 гектар ўрнига 50-55 гектар ерга арпа ва буғдой экмоқда.

Қашқадарё областидаги Охунбобоев номли ва Карл Маркс номли совхозларда барча ғалла майдонининг 50-60 процентига кузда дон экиб олиш планлаштирилган эди. Лекин бу ерда кейинги кунларда ҳамма майдоннинг 70-80 процентига кузги буғдой экиш мўлжаллаб қўйилди. Ҳозир бу совхозларда кузги дон экиш қизғин боряпти.

Лекин республикамиздаги ҳамма ғаллакор хўжаликларда ҳам кузги донни энг қулай агротехника муддатларида экиб олишга етарли эътибор беріляпти, деб бўлмайди. Барча мавжуд тракторлардан унумли фойдаланилмаётганлиги, ишчи кучлари етарли ажратилмаганлиги, механизаторларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилмаётганлиги натижасида республикамизнинг кўпчилик ғаллакор колхоз ва совхозларида экиш ҳаддан ташқари чўзиб юборилмоқда. Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг берган маълумотларига қараганда, 1 ноябргача 933,2 минг гектар ердан энди 493,3 минг гектар ерга кузги арпа ва буғдой экилди.

Кузги дон илгаридан ҳайдаб қўйилган ерга барвақт ва юксак агротехника қоидалари асосида экилиши керак. Бу эса ғаллакор хўжаликларнинг раҳбарларидан, қишлоқ хўжалик мутахассисларидан ернинг юқори сифатли ҳайдалишини таъминлашни, доннинг нормал чуқурликка тушишига эришиш учун иш устидан назоратни кун сайин кучайтиришни талаб этади. Аммо йирик ғаллакор Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент областларида бу талаб яхши бажарилмаяпти.

Келгуси йилда ғалладан мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратишга эътиборсиз қаралмоқда. Айниқса асосий ғаллакор Самарқанд областида кузги дон экиш сунъий равишда орқага сурилмоқда. Бу ерда 320,2 минг гектар ердан бор-йўғи 132,9 минг гектар ерга, Сурхондарё областида 54,8 минг гектар ердан атиги 19,7 минг гектар ерга кузги арпа ва буғдой экилди. Бунга сира тоқат қилиб бўлмайди. Ғаллакор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, қишлоқ хўжалик органларининг ходимлари кузги дон қора совуқ тушгунча экиб олинмаса, ғалладан мўл ҳосил етиштириб бўлмаслигини сира унутмасликлари керак.

Суғориладиган ва шартли суғориладиган ерларда ғалладан мўл ҳосил етиштиришнинг катта резерви — донга беда уруғи аралаштириб экишдир. Кузда 102 минг гектар ерга беда, шу жумладан, 70 минг гектарга яқин майдонга бошоқли экинга беда аралаштириб экилиши лозим. Бу тадбирни пухта ўтказиш учун ерни экишга ўз вақтида тайёрлаш, уруғлик билан етарли даражада таъминлаш зарур. Беда — дон-беда аралаштириб экиладиган ерларни яхшилаб суғориш, шу мақсадда сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш, унинг зовурларга, йўлларга ва бефойда далаларга оқиб ётишига йўл қўймаслик керак.

Яхши сараланган уруғларни экиш ғалладан мўл ҳосил етиштиришда жуда муҳим омил ҳисобланади. Шунга кўра, уруғликни танлашга алоҳида эътибор бериш, уни контроль уруғлик лабораторияларида текшириб кўрилгандан кейингина экишга тавсия этиш лозим. Экиш кондициясига етказилмаган уруғлик экилишига мутлақо йўл қўйилмаслиги керак. Шунга қарамай, бир қатор колхоз ва совхозларда сараланган ва лабораторияларда текширишдан ўтказилган уруғликни экишга эътиборсиз қаралмоқда. Лалмикор деҳқончилик илмий текшириш институти томонидан ғаллакор колхоз ва совхозларга қарз бериш тариқасида ҳамда сотиш учун ажратилган уруғлик ташиб олинмаяпти.

Бунинг устига ғаллакор хўжаликларнинг ўз фондларидаги уруғликлар ҳам экиш кондициясига етказилмаётир. Ана шундай жойларда сараланмаган ва дориланмаган уруғликлар экиб юборилаётир. Чунончи, Самарқанд областидаги контроль уруғлик лабораторияларида текширилган 13,5 минг тонна уруғликдан бор-йўғи 2,5 минг тоннаси экиш кондициясига етказилганлиги аниқланди. Булар мўл ҳосилга путур етказиши мумкин. Ғаллакор колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, мутахассислари, область қишлоқ хўжалик бошқармалари ходимлари лалмикор деҳқончилик илмий-текшириш институти томонидан ажратилган буғдой ва арпа уруғликларининг тезроқ ташиб олинишини ташкил этишлари лозим.

Республикамизда 1966 йилда дон етиштириш янада кўпайтирилиши керак. Донни мумкин қадар кўпроқ майдонга кузда экиб олиш ва ер ҳайдашни, арпа ва буғдой экишни юқори сифатли ўтказиш — ана шу вазифани муваффақиятли бажаришда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шунинг учун кузги арпа ва буғдойни тезроқ экиб олайлик.

Я. ЛОБЗОВ,
республикада хизмат кўрсатган агроном.

НАМАНГАН ЯНГИЛИКЛАРИ

ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИДА

Ҳамза номли педагогика институтининг сиртқи бўлимини яқинда 113 киши битириб, диплом олган эди. Куни кеча яна 192 кишига институтнинг сиртқи бўлимини битирганлиги ҳақида диплом топширилди.

ВОКЗАЛ КЎРКАМЛАШМОҚДА

Вокзал майдонида 600 кишилик кенг экранли кинотеатр, кўркам «Қалдирғоч» ошхонаси, кўп қаватли уй-жой ва қатор киоскалар қад кўтарди.

АҲОЛИ ХИЗМАТИ УЧУН

Йирик панелли уй-жой қуриш бошқармасининг бинокорлари — Навоий массивида 140 болага мўлжалланган боғча биносини қуриб, кенжатойларга тортиқ қилдилар.

ЗУЛФИЯ ИЖОДИГА БАҒИШЛАБ

Шаҳар мактабларида, кутубхона, клубларда, ўқув юртларида севимли шоира Зулфиянинг 50 ёшга тўлиши муносабати билан китобхонлар конференциялари, лекция ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

ОНАЛАРГА ДАСТЕР

Шаҳардаги 5-газлаштириш тресті коллективи ўн бир ойлик планни бажарди. Оловкорлар йил охиригача яна 400 хонадонни газлаштириш мажбуриятини олдилар.

БАЛЕТ МАКТАБИДА

Шаҳар комсомол комитети қошида ташкил этилган балет мактаби ўқувчиларининг ёнига яна 26 киши қўшилди.

Т. СУЛАЙМОНОВ.

ФАРҒОНА область. Поп районидаги «Москва» колхози аъзолари пахта тайёрлаш йиллик планини 120 процентга етказдилар. Улар шу кунларда даладаги ҳосилнинг қолган қисмини ҳам жадал йиғиштириб олиб, кузги шудгорлашни бошлаб юбордилар. Суратда: илғор бригада бошлиғи Маҳкам Холматов ва колхоз раиси Асқар Алиматов ўртоқлар шудгорлашнинг сифатини текшириб кўришяпти.

М. Мархаев фотоси.

Совет характери

ПАЛАТКАДА 12 ЙИЛ

Ҳали ҳаммаёқни уруш даҳшатлари чулғаб турган ўша кезларда Аваз ака ғилдиракли трактор — «ЧТЗ»га сув ташиб берарди. Плуглар тилиб кетган сернам тупроқнинг ҳидига ҳам, ертўлада — зоғора нонни сувга ивитиб еб, бўйда ётиб дам олишга ҳам ўрганиб қолган эди. Тракторчилар тежаб қолинган керосиндан бир шиша-ярим шиша бериб, ночор кишиларнинг хожатини чиқарган пайтда у бунга ҳам ҳавас қиларди. Шу ҳаваси еттинчи синфни битиргач уни Самарқандга, машина-экскаватор станцияси қошидаги техникумга етаклади.

Ўқишнинг биринчи йилини ўтказган Аваз ака энди ўзини катта дарёга келиб қўшилган ирмоқдек ҳис қила бошлади. Аста-секин катта ҳаёт йўлига тушиб олди. Мақсадлари ўзига ҳам ёрқинроқ кўрина бошлади.

Бироқ у ҳар сафар ўз қишлоғига қайтганида ўртоқларидан киноямуз гапларни эшитар, айрим тракторчилар эса «Бекорга уч йил овора бўляпсан, қишлоққа қайт, ўзимиз трактор ҳайдашни ўргатиб қўямиз» деб пичинг қилишарди.

Аваз ананинг қалби техникага, ҳунарга талпинган эди. У ана шу қалб амрига қулоқ солди. Самарқанд областининг Иштихон районига йўлланма олди. Район ижроия комитетининг қишлоқ хўжалик бўлими ва район комсомол комитетидаги ўртоқлар вазифаларини очиқ айтишди. Киров номли колхоз пахта майдонларини шўр қоплаб бораётганини, Аваз ака минглаб тонна пахта бера оладиган ана шу далаларнинг шўрини йўқотиш, ерларнинг ҳосилдорлигини оширишга жуда катта ёрдам кўрсата олиши, аслида бу ишга ўзи бош-қош бўлиши лозимлигини эслатиб ўтишди. Шундай қилиб, бундан ўн икки йил бурун Аваз ака белни маҳкам боғлаб меҳнат қила бошлади. Туну кун далада ишлади. Бир йил ўтмасданоқ Киров номли колхозда коллекторлар қазиб бўлинди. Энди уни районга таклиф қилишиб, областга чақираётганларини билдиришди. Область марказида эса уни Оқдарё районига ишга жўнатишга қарор қилдилар. Икки йил давомида Аваз Эгамов Оқдарё, Пайариқ, Ургут районларининг колхозларида неча ўнлаб километр зовурлар, коллекторлар қазиди.

Орадан кўп ўтмай донгдор экскаваторчи Эгамов ўзи ишлаётган «И-5024» маркали экскаватор билан қардош Туркманистон ССРга — Қорақум канали қурилишига жўнади. Қорақум саҳросининг жазирамасида уч йил баҳодирона меҳнат қилди. Саҳронинг барча қийинчиликлари, қақроқ даштларга сув чиқариш, бепоён ўлкаларни яшил диёрга айлантириш учун давом этаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшди. У Қорақум каналига сув қўйиш тантаналарида қатнашар экан, энди яна қайси янги диёрга бориб, бунёдкорликни давом эттириш ҳақида ўйларди.

— Ўн икки йил палаткада яшадим. Самарасиз ўтмади у йиллар. Энди ўз диёримга — Мирзачўлга чақиришяпти. У ерда каналлар қазийман, Жиззах, Фориш даштларига сув чиқараман, — дея ширин хаёлларга чўмарди у.

Ўтган йили Эгамов Мирзачўлга келди. «Мирзачулсовхозстрой» трестига қарашли 6-қурилиш-монтаж бошқармасида унга дарҳол экскаватор ажратиб беришди. Аваз ака шундан буён ўнлаб километр зовур қазиди, лоток тармоқлари қурилишида қатнашди. 26-, 18-совхозларнинг бу йил оборотга киритилган экин майдонлари Аваз ака ва унинг фидокор дўстларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли обиҳаёт сипқармоқда.

— Ҳозир ҳам, — дейди Аваз Эгамов, — «Пахтакор» совхози марказидаги вагонда яшаяпман. Яқинда янги қурилган бинодан оиламизга квартира беришмоқчи, — деб ҳикоясини давом эттиради Аваз ака. — Болалар ҳам мактаб ёшига етиб қолишди. Энди Мирзачўлда абадий яшамоқчиман. Чунки бу ерда қилинадиган ишлар ҳали жуда кўп. Жиззах, Фориш чўли ястаниб ётибди қаршимизда. Бу чўлларга ҳужум бошлангандан сўнг эҳтимол яна жилишга тўғри келар, — дейди у кулиб.

С. НОРМАТОВ.

«УФҚ» РОМАНИ ҲАҚИДА

ҲАМЗА МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

«Ҳеч қачон ҳаёт ортга қайтмаган. Ҳамма вақт олдинга қараб кетаверган. Янглишган янглишиб қолаверади, йўлни олган ҳаёт жомини охиригача сипқариб, яшадим, армонсиз яшадим, дейди. Ҳаётнинг ялтироқ, жилвали, алдамчи ўйинлари кўп. Бу жилвалар саробдек алдаб, бағрига чақиради-ю, кимсасиз чўл ўртасида, бир қултум сувга зор қилиб ташлаб кетади. Танни тилка-пора қилиб, қўлларни тилиб, баланд чўққига чиққанларгина ўтлоқларни, олис уфқларни кўради. Мана буни яшаш деб атайдилар».

Бу жумлада роман авторининг ҳаёт ҳақидаги самимий, содда, бамаъни, бинобарин жуда тўғри мулоҳазаси акс этган. Айни вақтда романнинг бош ғоясини ҳам худди мана шу ташкил этади. Бу ғоя бутун асар давомида ҳамма воқеаларни бир ипга чизади. Ҳар бир қаҳрамон тақдири мана шу нуқтаи назардан ҳал этилади.

Кўпгина проза асарлари билан ўқувчилар ҳурматини қозониб келаётган ёзувчи Саид Аҳмад кичик жанрларда орттирган бор тажрибаларини ишга солиб, «Уфқ» романини яратдики, бу ёзувчи ижодида олға қараб ташланган катта қадам ва ўзбек адабиётининг кейинги йилларда эришган ютуқларидан бири бўла олди.

Романнинг муҳим бадиий қимматі дастлаб шундаки, у шавқ билан ўқилади, тили ширали, воқеа ва образлар ҳаётий, ишонарли бўлиб чиққан.

Яхши китобни ўқиганингда худди яхши бир музика тинглаётгандек, бутун вужудинг билан берилиб кетасан, ундаги воқеалар қалбингга тобора чуқур сингиб кетаверади. Энг нозик ҳисларингни топиб қўзғотади. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» романи, шубҳасиз, ана шундай китоблардандир.

Маҳорат ҳақида гапирганда эса «гапни тилдан бошлаш керак, — дейди К. Федин. — Тил ҳамма вақт асарнинг асосий материали бўлиб қолади. Бадиий адабиёт — бу тил санъатидир. Ҳатто бадиий форманинг бош бўлакларидан бўлган композиция ҳам ёзувчи тилининг ҳал қилувчи аҳамияти олдида кейинда туради». Бу жиҳатдан қараганда «Уфқ» романи дастлаб ширали тили билан ютиб чиққан.

«Уфқ» романи тема жиҳатидан янгилик эмас. Аммо шу темани яратишда ёзувчи ўзига хос йўл-йўриқ топади. Ундаги образлар, характерлар энг оғир, мураккаб шароитларда ўзларининг чинакам қиёфаларини очиб кўрсатадилар.

«Шеригингни сафарда сина» деганларидек, уруш даврининг энг даҳшатли кунлари кишилар учун жуда оғир синов бўлди. Ёзувчи ана шундай оғир кунларни бошидан кечирган кишилар орасидаги мардлик, матонатни ҳам, қайғули кўз ёшларини ҳам, ҳаётнинг турли-туман ром этувчи ўйинларини ҳам, темир иродаси, бутун вужуди билан чўққиларга интилиб, узоқ уфқларгача ёрқин кўра олган одамларни ҳам тополди.

Бош қаҳрамон Икромжон ҳаётини олинг. У не-не кунларни кўрмади. Урушга борди. Ярим жон бўлиб қайтди. Ёлғиз фарзандидан, хотинидан, бутун оиласидан ажралди. Низомжонни олинг. Унинг тақдири ҳам енгил эмас. Икромжон бошидаги мушкулларнинг бошқачароқ формаси эди. Аммо бу ҳар икки қаҳрамонга умрбод қадрдон бўлиб қолган Ватани, халқи ота-боболар диёри абадий муқаддас ва мўътабар бўлиб кўринди. Ватанга бўлган мана шу олий, мардонавор муҳаббат шу халқ, шу Ватан ҳаёти билан чамбарчас боғланган.

Ёзувчи маҳорати шундаки, у ўз образлари ҳаётидаги энг қайғули даҳшатларни ҳам, улар ҳаётидаги маълум поэтик нуқталарини ҳам қидириб топган. Чунки, ҳаётнинг ўзи шундай. Бадиий асар дастлаб поэтик моментлари билан ўқувчини жалб қилади. Саид Аҳмад романида бошидан охиригача уруш даврининг серташвиш руҳи сезилиб туради. Бу давр ҳар бир шахс тақдирида турли формаларда ўз аксини кўрсатган. Лекин ҳаёт ҳеч қачон фақат фожиалардан иборат бўлиб қолган эмас, унда маълум поэтик, жозибадор моментлар, ҳолатлар бўладики, буни фақат санъаткор кўзи билангина, унинг қалби билангина ҳис этиш мумкин.

Романда ёзувчининг яна бир ютуғи, унда баёндан кўра картина кўп. Ёзувчи ҳар бир воқеа тўғрисида хабар бериш эмас, унинг ўзини кўрсатишга интилади. Қаҳрамонларнинг бутун тақдири меҳнат билан боғланади, ҳалол меҳнат улуғланади, фақат меҳнатгина уларнинг қайғусини енгиллаштиради, кайфиятини кўтаради, адашганларга тўғри йўл топиб беради.

Икромжон хотинининг ихтиёрига ҳам қарамасдан янгиерга — Ёзёвонга боришга аҳд қилади, ўз қайғусини ўша ёқларда меҳнат билан, эл-юрт билан бирга ишдагина енгиллаштириш мумкин деб ҳисоблайди. Дайдиб, ҳаётда ўз ўрнини тополмай юрган Низомжон эса Икромжонлар оиласи билан Ёзёвонга кетишга жазм қилади. Худди шу кундан бошлаб турмушда ўз йўлини тўғри топганини ҳис этади. Чўлдагилар унга эътибор бера бошлагандан кейин унинг кўнгли янада кўтарила бошлайди. Ҳалол меҳнатга бутун вужуди билан шўнғийди, одамлик қадрини топади. Аммо ёзувчи Низомжон образидаги мураккаб ҳиссиёт ва ҳолатларни, янглишган Дилдор руҳидаги кечинмаларни бир нафас унутмайди. Икромжон чўлда катта ишларга бошчилик қилган кезларда ҳам ички изтироблардан бир дақиқа ҳам қутулолмайди. Ахир, киши қалбидек мураккаб нарса борми, дунёда?! У қочоқ ўғлини ҳар қанча лаънатлаганида ҳам, ўз қўли билан отган ўқининг тегмай қолганига «хайрият» деб хўрсинади.

Низомжоннинг узоқ вақт ўз уйидан жудо бўлиб кетгандан кейин ўз қишлоғига келаётгандаги ҳолатини бир эсланг. Ўз уйидан нақадар нафратлангани билан, қишлоғини, қадрдон жойларини хўп соғинган. У қишлоғига келганда ҳар бир таниш йўл, дарахт, иморатларга суқ билан қарайди. Дилдорнинг оқ тунука томли уйи кўринганда... «бир дам маъюс назар ташлайди-ю, ортиқча ҳисларга берилишдан ўзини сақлаб, жадал юриб кетади...»

Ёзувчи ўз қаҳрамонларининг қалбидаги хилма-хил мураккаб ҳолатларни қидириб топиш ва тўлароқ беришга интилади.

«Уфқ» романи умуман китобхонни чуқур ғоявийлик руҳида тарбиялайди. Ўқувчининг эстетик дидини ўстиради. Ёзувчининг асосий-ижобий қаҳрамонлари айниқса ёшларни ҳалол меҳнат қилишга, катта мақсадлар билан яшашга, зўр ирода кучига эга бўлишга ўргатади.

Отабой ЭШОНОВ,
профессор, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси.
Аҳмад АЛИЕВ,
филология фанлари кандидати.

МЎЛ ҲОСИЛГА ЗАМИН

Қашқадарё область, Яккабоғ районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози ғаллакорлари бу йил 37000 центнер дон кўтариб, планини муваффақиятли бажарган эдилар. Ғаллакорлар келгуси йил ҳам мўл-кўл дон ҳосили етиштиришга бел боғладилар.

Трактор сеялкаларидан унумли фойдаланилганлиги туфайли ҳозиргача 1350 гектар майдонга дон экилиб, план ошириб адо этилди. Шу кунларда пландан ташқари буғдой экиш қизғин давом этмоқда.

Ш. МАҲМУДОВ.

ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИДА
АНТИКОММУНИЗМ ТАНҚИДИ

XX аср туб социал ўзгартишлар, социализм тантанаси асридир. Тарих локомотиви социалистик йўлдан олға томон шижоаткор ҳаракат қилиб бормоқда. У ўз ҳаракатини 1917 йил октябрида Россиядан бошлаб, эндиликда Кубагача етиб борди. Стрелкаси ишонч билан социализм — коммунизмни кўрсатиб турган сиёсий барометрни бутун дунё зўр ҳаяжон билан кузатяпти. Социалистик система ҳозирги замон тарихининг бутун боришига ҳал қилувчи таъсир кўрсатмоқда. У империализм корчалонларини социализм мамлакатлари билан шиддатли жанглар вақтида ўзларини тийиб туришга мажбур этмоқда. Бироқ социализмнинг муваффақиятлари антикоммунизмга қарши идеологик ва сиёсий курашда социалистик давлатларнинг ҳушёрлигини заифлаштирмаслиги керак.

Антикоммунизм — тарих ҳалокатга маҳкум этган эски дунёнинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар эришаётган тарихий муваффақиятларга шунчаки қарши амал қилиши бўлибгина қолмай, балки шу билан бирга социалистик тузумга, марксча-ленинча идеология ва сиёсатга қарши курашда халқаро буржуазиянинг энг реакцион кучларининг сўнгги қароргоҳи ҳамдир.

Ана шунинг учун ҳам антикоммунизм — буржуазия идеологияси ва сиёсатининг социализмга нисбатан энг шафқатсиз ва душманликдан иборат кўриниши бўлиб, унинг намояндалари — учига чиққан ўнг фашист унсурлар эса империализмнинг ҳукмронлигини сақлаб қолиш учун ҳар қандай қабиҳлик ва жиноятдан тап тортмайди.

Антикоммунизм ҳозирги замон буржуа жамияти сиёсий ва идеологик ҳаётининг ҳамма соҳаларини ўз ичига олади. Антикоммунизм энг йирик империалистик давлатлар системасига ва давлат-ҳуқуқ идеологиясига ҳам чуқур илдиз ёйди.

Давлат ва ҳуқуқ масалаларидаги антикоммунизм икки ёқлама мақсадни кўзда тутади: у бир томондан, совет социалистик давлати ва демократиясини, ҳуқуқи ва қонунчилигини бутун чоралар билан қоралашга, уларнинг оммага таъсирини заифлаштиришга, уларнинг ҳаракатини издан чиқаришга уринса, иккинчи томондан, буржуа давлати ва демократиясини, ҳуқуқи ва қонунчилигини ҳар тарафлама бўяб кўрсатишга, уларни ҳозирги замон жамияти энг демократик тартибларининг бирдан-бир вориси қилиб кўрсатишга интилади. Мисол учун «Ҳозирги замон сиёсий идеологиялари» тўпламини олиб кўрайлик. Бу тўплам яқинда Американинг йирик социологи Жозеф С. Русек таҳрири остида Нью-Йоркда (1961 йилда) босилиб чиқди. Бу тўпламда Совет Конституцияси, Советларнинг ваколат системаси, социалистик давлат органлари тузилишининг асосий принциплари, энг муҳими эса — Советларга партиявий раҳбарлик принципи антикоммунизм учун типик ҳолатда қараб чиқилади.

Бошқа ҳамма антикоммунистик асарларда бўлганидек, бу асарда ҳам КПСС нинг совет жамияти ва давлатида тутган раҳбарлик роли жуда кўп ҳамлаларнинг асосий предметига айланган. Антикоммунистлар совет воқелигини қўпол равишда бузиб, фактларни хаспўшлаб кўрсатиш билан совет давлатини гўё жамият тепасида турган ва демократияни, халқнинг иродасини бостирувчи Коммунистик партия диктатурасининг қуроли сифатида талқин қилишга уринади.

Революция душманларининг Советларни Коммунистик партияга қарама-қарши қўйиш йўлидаги ҳар қандай уринишлари ҳар сафар шармандаларча барбод бўлиб келди. Меҳнаткашларнинг эксплуататор синфларга қарши олиб борган синфий кураши тажрибаси шуни кўрсатадики, социалистик давлат халқлар оммасининг йўлбошчиси ва ташкилотчиси бўлган Коммунистик партия раҳбарлик ролини ўтаган шароитдагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. КПСС нинг Советлардаги раҳбарлик ролининг аҳамиятини уқтирган вақтда шуни назарда тутиш кераккі, КПСС нинг раҳбарлик роли билан партиянинг диктатураси бир-бирига ўхшаш бир нарса эмас. Бу тушунча ва ҳодисалар ўзининг мазмуни жиҳатидан турличадир. Коммунистик партия ўз раҳбарлик ролини партиявий характердаги ўзига хос методлар билан амалга оширади, ўз фаолиятини социалистик демократия доирасида социалистик давлатнинг умумий қонунларига бўйсундиради.

СССРдаги ҳокимият маҳаллий органларининг системаси ҳам антикоммунизм идеологларининг ғаразгўйлик танқиди учун объект бўлмоқда. Антикоммунизм идеологлари СССРда ҳокимият маҳаллий органлари системасини у шундай «қуролки», ҳокимият марказий органлари ўз сиёсатини унинг ёрдамида ўтказади, деб кўрсатишга уринмоқда. Бундай туҳмат даъво очиқдан-очиқ лақма ва совет ваколати муассасалари системаси билан жуда камдан-кам таниш бўлган кишиларга мўлжаллангандир. Бундай кишилар эса Ғарбда ҳали оз эмаслигини айтиб ўтиш керак.

Ҳақиқатан ҳам СССРда ҳокимиятнинг маҳаллий органлари халқ ўз-ўзини бошқаришининг чинакам органлари бўлиб, улар аҳолининг эҳтиёжларига хизмат кўрсатиш соҳасидаги ишларини гражданларни ўз фаолиятларига кенг миқёсда жалб қилиш асосида ташкил этадилар. Ижрокомлар ва уларнинг жамоатчилик асосларида ишловчи бўлимлари — давлат ҳокимияти ва ўз-ўзини бошқариш маҳаллий органларининг бутун жаҳон практикасида мисли кўрилмаган ҳодисадир. Бу ҳодиса шундан далолат берадики, совет кишилари ҳақиқатан коммунизм қура бориб, жамият ва давлат ишларини бошқаришнинг янги давлат ва жамият формаларини биринчи марта кашф этувчилар бўлиб майдонга чиқмоқдалар.

Буларнинг ҳаммасини назарда тутганда антикоммунизм идеологларининг совет давлат системасини қоралаш йўлидаги беҳуда уринишлари нечоғли аянчли эканлиги очиқ-равшан кўзга ташланади.

СССРда ва бошқа социализм мамлакатларида гўё шахс эркинлиги йўқ, чунки социализм шароитида гўё шахс бўғиб қўйилган, унинг ўзига хос хусусиятлари назар-писанд қилинмайди, деган даъволар ҳам социалистик демократия душманларининг, антикоммунизм идеологияси ва умуман ғаразгўйларнинг жуда яхши кўрган ва шу билан бирга, сийқаси чиққан пропагандистик найрангидир. Бироқ СССРда шахс эркинлиги ҳақиқатан йўқлигини тасдиқлайдиган бирон бир далил келтиришга социализм душманлари ожиз ва далил келтира олмайдилар ҳам. Зотан бундай далилнинг ўзи социализм шароитида йўқ.

Социалистик революция ҳокимиятни ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнаткаш халқнинг қўлига топшириш билан инсоннинг жамиятдаги ва гражданнинг давлатдаги мавқеини тубдан ўзгартириш учун энг муҳим социал-сиёсий омил яратди. Оддий киши инсоният жамияти тарихида биринчи марта жамиятнинг хўжаси, янги социалистик ижтимоий муносабатларнинг ижодчиси, фақат ҳуқуқ нормалари билан эмас, балки жамиятда социал-сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг бутун системаси билан гарантияланган кенг демократик ҳуқуқ ва эркинликларнинг эгасидир.

Партия XXII съезди қабул қилган КПСС Программасида бундан дейилади: «Социализм меҳнаткашларга ғоят кенг ҳуқуқ ва эркинликлар берди ва уларни гарантиялади.

Коммунизм янги буюк ҳуқуқ ва имкониятлар беради».

Совет кишилари ифтихор туйғулари билан шуни айтиш ҳуқуқига эгадирларки, Совет Иттифоқидагина биринчи марта инсоннинг ана шундай буюк ҳуқуқлари ҳаётда фақат қонун орқали эълон қилинибгина қолмасдан, балки шу билан бирга тўла амалга оширилди, янги социалистик жамиятнинг қон-жони бўлиб қолди. Зотан бу ҳуқуқлар меҳнат қилиш, дам олиш, билим олиш, кексайиб қолган чоқда ва касаллик вақтида моддий таъминот олиш каби ҳуқуқлар бўлиб, уларни инсоният бир неча ўн йиллар мобайнида фақат орзугина қилиб келган эди.

Юқорида зикр қилиб ўтганимиздек, буржуа давлатини ва демократиясини, ҳуқуқи ва қонунчилигини кўкларга кўтариб мақташ антикоммунизм идеологиясининг таркибий қисмидир. СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг гражданлари учун уларнинг халқлари тилида китоблар чиқарилаётганлиги ва махсус эшиттиришлар олиб борилаётганлиги бу жиҳатдан айниқса характерлидир.

1960 йилда Нью-Йоркда «АҚШ жавоб беради» деган справочник босилиб чиқди. 1959 йил ёзида Москвада Америка виставкасида намойиш қилинган электрон машина бу справочник учун асос қилиб олинди. АҚШ тўғрисидаги мамлакат ва халқ, давлат тузуми ва экономикаси тўғрисидаги, таълим ва маданияти тўғрисидаги, экономика ва техникаси ҳақидаги саволларга махсус танланган жавоблар америка буржуа демократиясини ва америкача яшашни пропаганда қилиши керак эди.

Справочник «Америка демократиясининг негизи нимада?» деган савол билан бошланади. Бу саволнинг ўзи, хусусан унга жавоб мазкур справочникнинг характери тўғрисида икки хил фикр билдириш учун ўрин қолдирмайди. Справочник авторлари ана шу саволга ва бошқа кўпгина саволларга жавоб қайтариш вақтида америка демократияси ва давлати,

(Охири тўртинчи бетда).

ПЛАНЕТАМИЗДА

БОШ АССАМБЛЕЯ МАЖЛИСИДА

НЬЮ-ЙОРК, 11 ноябрь. (ТАСС). Танзания ва Кения вакиллари Бош Ассамблеянинг кеча кундузги мажлисида сўзлаган нутқларида Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқлари тиклансин, деган таклифни қатъий равишда қувватлаб гапирдилар. Малесела (Танзания) айтдики, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитойнинг ҳуқуқлари тикланишидан шу ташкилотнинг ўзи манфаатдордир. АҚШ вакили томонидан Хитой Халқ Республикасига нисбатан адолат тикланишига қарши рўкач қилинган бемаъни далилларни Танзания вакили рад қилиб ташлади. У айтдики, АҚШ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг принципларига эмас, балки Хитой Халқ Республикасига нисбатан ашаддий нафрат руҳига асосланиб ҳаракат қилмоқда. Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқлари дарҳол тикланиши лозим. Бу тўғридаги қарорни овозларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилиш керак, чунки бунда Бирлашган Миллатлар Ташкилотига янги аъзо қабул қилиш тўғрисида сўз бораётгани йўқ.

Баъзи вакиллар бу ерда сўзга чиқиб, Хитой Халқ Республикасини агрессия қилди, деб айбламоқдалар. Улар айтган агрессияга келганда, деди Танзания вакили, бундай айбни Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган, миллий озодлик ҳаракатини шафқатсизлик билан бостираётган, қурол ва шу кабилар ёрдами билан бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашаётган баъзи мамлакатлар устига қўймоқ керак.

Набвера (Кения) ҳам шу фикрни айтди. Хитой Халқ Республикаси тўғрисидаги масала муносабати билан АҚШ ассамблеяда зўрлаб ўтказишга уринаётган йўлни баъзи давлатларга татбиқ қилсак, шу давлатларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотидан чиқариб юборишга тўғри келади. Чунки шу давлатларнинг ўзи қўғирчоқ режимларни ўрнатмоқда, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқда, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти уставининг принципларини ҳар қадамда бузмоқда.

Филиппин вакили Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклашга қарши дарғазаб бўлиб нутқ сўзлади.

Иркчилар парламентининг сессияси

ЛОНДОН. 10 ноябрь. (ТАСС). Жанубий Родезия кабинети сўнгги икки кун мобайнида кеча кечқурун ўзининг тўртинчи мажлисига тўпланиб, парламентни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди. Рейтер агентлиги мухбирининг Солсберидан хабар беришига кўра, парламентнинг сессияси 25 ноябрда очилади.

Жанубий Родезия ҳукуматига яқин бўлган доираларда ҳукуматнинг бу қадамини Солсбери ирқчиларининг Жанубий Родезияни «мустақил» деб эълон қилиш ниятида эканлигининг янги далили деб баҳоламоқдалар. Озчиликни ташкил этган оқ танлилар манфаатларини ифодаловчи ва бош министр Ян Смитнинг экстремист сиёсатини қўллаб-қувватловчи Родезия фронти партияси Жанубий Родезия парламентида кўпчилик ўринга эга.

Янги мустамлакачилик мақсадларини кўзлаб

БОНН, 10 ноябрь. (ТАСС). Германия Федератив Республикасида бундан бир неча йил илгари Американинг «тинчлик корпуси»дан намуна олиб ташкил этилган «ривожланиш немис хизмати» деб аталувчи ташкилотнинг 100 дан ортиқ ходимлари сўнгги кунларда Ғарбий Германиядан Непал, Ҳиндистон, Афғонистон, Эрон, Камерун, Того ва бошқа мамлакатларга жўнаб кетди. Бонн «ривожланиш немис хизмати»дан Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги ривожланаётган мамлакатларга, ўзининг янги мустамлакачилик режаларини амалга ошириш мақсадида суқилиб кириш учун фойдаланишга интилмоқда.

«Ривожланиш немис хизмати» тобора кенг қулоч ёймоқда. «Генерал-анцейгер» газетасининг хабар беришига кўра, ҳозирги вақтда чет элларда Ғарбий Германиянинг 450 га яқин «миссионери» бор.

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛАТ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

ПРАГА. Чехословакия миллат мажлисининг навбатдаги сессияси очилди. Депутатлар халқ хўжалигини бошқаришнинг янги принциплари асосида марказий раҳбарликни ташкил қилиш тўғрисида ҳукумат ҳавола қилган қонун лойиҳасини муҳокама қиладилар. Сессияда Словакия миллий кенгашининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот, шунингдек жанубий Словакияда сув тошқинининг оқибатларини бартараф қилиш тадбирлари тўғрисида ҳукумат ҳисоботи ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

ГДРДА ИЛМИЙ МАРКАЗ

БЕРЛИН. Фрейбергдаги кончилик академияси ўзи ташкил топганлигининг 200 йиллигини нишонламоқда. Германия Демократик Республикаси барпо этилганидан буён академия йирик илмий марказга, мамлакатнинг кончилик саноати учун кадрлар тайёрловчи базага айланди. Академияда 4 минг студент ўқиб турибди.

Юбилей муносабати билан ташкил қилинган тантанали мажлисда нутқ сўзлаган ГДР Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Абуш ГДР ҳаётида, мамлакат экономикасини ривожлантиришда ҳамда халқ учун моддий ва маданий неъматлар яратиб беришда фаннинг роли доимо ўсиб бораётганлигини таъкидлаб ўтди.

«УНЭН» ГАЗЕТАСИ 45 ЁШГА ТЎЛДИ

УЛАН-БАТОР. Монголия Халқ-Революцион партияси Марказий Комитети ва Монголия Халқ Республикаси ҳукуматининг органи бўлган «Унэн» «Ҳақиқат» газетасининг биринчи сони чиққан кунга 45 йил тўлди. Бу сана бутун монгол матбуоти куни сифатида нишонланмоқда.

«Унэн» газетаси Монголияда халқ революцияси бошланган бир пайтда, меҳнаткаш аратлар халқ партияси раҳбарлигида манфур феодал тузумни ағдариб ташлашга ва халқ-демократик ҳокимиятни қўлга киритишга тайёргарлик кўрилаётган бир вақтда туғилди. Газета ўша пайтдан буён партия манфаатларига, Монголиядаги барча меҳнаткаш халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда, коллектив агитатор, пропагандист ва ташкилотчи ролини ўтамоқда.

ҚИСҚА САТРЛАР

● Чехословакиядаги Тршинец шаҳрида ўн мамлакатдан келган мутахассислар иштирокида металлургларнинг иккинчи халқаро конференцияси ўз ишини бошлади. Конференция кун тартибида прокат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва унинг сифатини яхшилаш юзасидан тажриба алмашиш масаласи бор. СССР, Франция, АҚШ, ГФР, Австрия, Польшадан келган меҳмонлар доклад қиладилар.

● Шчецин кемасозлик корхонасида Совет Иттифоқининг заказы билан қурилган «Маринск» кемасида байроқ кўтарилди. Бу — СССР учун халқ Польшасида қурилаётган, 12,5 минг тонна юк сиғадиган ва кўплаб ишлаб чиқариладиган қуруқ юк ташувчи кемалардан биридир.

● Болгарияда боғдорчилик традицион ойлиги ўтказилмоқда. Шу вақт ичида қарийб 5,5 минг гектар майдонга дарахт кўчатлари ўтказилади. Республикадаги боғлар майдони қарийб 180.000 гектарни ташкил этади.

● Будапештда совет фильми ҳафталиги очилди. Пойтахт экранларида «Турналар учмоқда», «Шикоят дафтарини беринг», «Солдатнинг отаси» ва бошқа кинофильмлар намойиш қилинмоқда.

● Лейпцигда «Келажак мастери» виставкаси намойиш қилинмоқда. Виставкага қўйилган жуда кўп экспонатлар ГДРда новаторлар ҳаракати кенг қулоч ёзганлигидан далолат беради, илмий-техника тараққиётини амалга ошириш учун курашда республика ёшлари актив роль ўйнаётганлиги тўғрисида ҳикоя қилади. (ТАСС).

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ХУДДИ ЛАТИФАДАГИДЕК

Муқаддас Рим империясининг императори Карл IV нима учундир тўрт рақамини жуда яхши кўрарди.

Империяда тўрт пойтахт бўлиб, уларнинг ҳар бирида тўрт улуғ князьдан бири ўтирарди. У тўрт саройда, ҳар бирида тўрттадан хонада яшарди. Ҳар бир хонанинг тўртта деразаси, тўртта эшиги бўлиб, хонага тўрт стол ва тўртта шамдон қўйилган эди.

Тантанали маросимларда император тўрт хил металл қоришмасидан тўрт қиррали қилиб ясалган тож кийрди.

Император империяни тўрт қисмга бўлган, армияни ҳам тўрт корпусга ажратган эди.

У тўрт от қўшилган аравада юрарди, тўрт рангли кийим кияр ва тўрт тилда гаплашардi.

У кунига тўрт маҳал овқатланарди. Ҳар гал тўрт идишда овқат келтиришарди, тўрт хил вино ичарди.

Карл тўрт марта уйланган бўлиб, тўртта ўғли бор эди. Ўлим тўшагида ётганда унинг олдида тўрт врач турган, тўрт диндор эса тўрт хил тилда васият ёзган. У 1378 йил 29 ноябрда соат тўртда вафот этган.



Америка Қўшма Штатларининг кўпгина шаҳарларида негрларнинг гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан намойишлар бўлиб ўтмоқда. Суратда: миллий гвардия солдати Крофордвилл (Жоржия штати)даги забастовка қатнашчиларидан ўч олмоқда.

ТАСС фотохроникаси.

РОЖЕР ЛАПОРТ ЎЗИГА ЎТ ҚЎЙДИ

Нью-Йорк, 9 ноябрь. (ТАСС). 22 яшар католик пацифист Рожер Лапорт бугун эрталаб Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдида ўзига ўт қўйди. Уни касалхонага олиб келган полициячиларнинг айтишларига қараганда, Лапорт «урушга қарши» норозилик белгиси сифатида ўзига-ўзи ўт қўйган.

Хабар беришларича, Лапортнинг аҳволи жуда оғир.

Лапорт Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши ҳаракатда актив иштирок этаётган «ишчи-католиклар ташкилоти» нинг аъзосидир.

Бу сўнгги бир неча кун ичида АҚШ да иккинчи марта ўзига ўт қўйиш ҳодисасидир.

2 ноябрда Вашингтонда пацифист Норман Моррисон Вьетнамдаги урушга қарши норозилик сифатида Пентагон биноси олдида ўзига ўт қўйган эди.

Рожер Лапорт 10 ноябрда касалхонада вафот этди.

АҚШДАН КЕЛГАН МЕҲМОН

Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган АҚШ Компартияси раҳбар арбобларидан бири Клод Лайтфут 10 ноябрда Тошкентга келди.

Ўртоқ К. Лайтфут Ўзбекистонда бир неча кун бўлади. У ўзбек халқининг ҳаёти билан, республиканинг экономикаси, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятлари билан танишади. (ЎзТАГ).

ТУРЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

РАҲМАТ—СИЗГА

Йўловчининг ишорасини сезган такси шофери дарҳол унинг яқинида тўхтади. У эшикни очиб, қаергадир ошиқаётган кишига мурожаат қилди.

— Ўртоқ, қаерга бормоқчисиз?

— Илтимос, мени аэропортга элтиб қўйинг.

— Марҳамат, ўтиринг.

Машина бир зумдаёқ йўловчини айтган жойига олиб борди. Ўз вақтидан ҳам эртароқ кўзлаган манзилига етиб келган кишининг чеҳраси ёришиб кетди.

— Раҳмат, дўстим сиздан гоятда миннатдорман.

— Арзимайди, хизматимиз шундай.

Йўловчи илдам юриб кетди. Такси шофери яна бошқа бир йўловчига хизмат қилишга тайёр.

— Оғайни, бўшмисиз, бизни меҳмонхонага олиб бора оласизми?

— Марҳамат, ўтиринг.

Машина кенг текис кўчалардан, чорраҳа ва бурилишлардан, ўқдек учиб ўтиб, лаҳзада салобатли бир бино ёнида тўхтади.

— Келдик, — деди шофер меҳмонга, — шаҳримизнинг энг катта меҳмонхонаси шу.

— Шундайми?—деди йўловчи мамнунлик билдириб, —раҳмат, саломат бўлинг.

Ҳа, кишиларга хизмат қилувчилар, зарур пайтларда уларнинг ҳожатларини чиқарувчилар, кишиларни ўз хизмати билан мамнун этувчи инсонлар ҳамма вақт саломат бўлаверсин... Меҳнаткашларни ўзининг ҳалол хизмати, очиқ чеҳраси, ширин каломи билан хурсанд қилувчилар ҳамма ерда бор. Шуларнинг бири Михаил Наумович Ароновдир. У оддий такси шофёри. Тошкентнинг иккинчи енгил автомашиналар базасида ишлайди.

Михаилнинг оддий таржимаи ҳоли бор. У ота-онасиз ўсди. Болалар уйида тарбия топди. Приморье ўлкасида «Советская Гавань» бухтасида ғоввос бўлиб ишлади. Сўнгра Совет Армиясига чақирилиб, Туркистон ҳарбий округида шоферлик касбини эгаллади. У Армия сафидан бўшагач, такси шофери бўлиб ишламоқда. Михаил ҳозирги кунда тўрт боланинг отаси, уларнинг соғлом, софдил бўлиб ўсишида севимли рафиқаси қатори унинг ҳам ҳиссаси бор.

— Ўртоқ Аронов бизда энг интизомли, бошқаларга намуна кўрсатиб ишлайдиган хизматчиларимиздан бири. Айниқса хушфеъллиги, софдиллиги ҳаммамизга ёқади, — дейди база директори Михаил Самойлович Левин.

Михаил Самойлович айтганидек, элга хизмат қилишда, кишиларнинг ҳурматини қозонишда лавозим ёки касбнинг катта-кичиги йўқ. Гап одамларга иззат-ҳурматда бўлишда. Инсон учун энг зарури ана шу. Шунда ҳамма ундан миннатдор бўлади. Отангга раҳмат дейди.

Михаил шунақа одам. У ўзининг ҳалол меҳнати туфайли маъмуриятдан бир неча бор ташаккурнома олди. Йўловчиларга бажонидил хизмати билан минглаб раҳматлар эшитди. Одамга бундан ҳам юксакроқ, бундан ҳам улуғроқ мукофот бўлмаса керак.

Ҳа, «ТНВ-73-49» рақамли такси машинасининг ҳайдовчиси Михаил Аронов ҳар куни, ҳар бир соатда шундай юксак мукофотга сазовор бўлмоқда.

Я. ТУХТАЕВ.

АЖОЙИБОТЛАР

ДУНЁДА ЭНГ КАТТА РАСМ

Ер юзида энг катта расмни ким чизган?

Америкалик рассом Джона Банвард (1815—1891 йил) дунёда энг катта расм чизган кишидир. У чизган расмнинг узунлиги 3 миля (4830 метр) бўлган. Полотнода Миссисипи дарёси, унинг ирмоқлари тасвирланган.

Рассом бу расмни чизиш учун 1840 йилда қайиқ билан дарё бўйлаб саёҳатга чиқди. 400 кун давомида сузиб, бўлажак расмнинг эскизларини тайёрлади. Шу эскизлардан оригинал асар яратиш учун 6 йил ишлади.

Бу полотно «Миссисипи панорамаси» деб аталади. Асар бир неча йил давомида Америка Қўшма Штатлари ва Европанинг жуда кўп шаҳарларида намойиш қилинди. Шундан сўнг уни бир инглиз бойи сотиб олиб, Ҳиндистонга олиб кетган. Шундай қилиб дунёдаги энг катта расмнинг изи йўқолган.

ЗЕБРА ОИЛАСИ

Серенгети (Танганьика)даги миллий паркда олимлар зебраларнинг қандай яшашини ўргандилар. Минглаб зебралар бир подага қўшиб ҳайдалганда, улар тўдага қўшилиб кетишади-ю, дам олиш пайтида яна иккита-иккитадан бўлиб туришади. Катта пода ичида бўлса ҳам эркак зебра ўзининг урғочисини топиб олади. Агар боласини йўқотиб қўйган бўлса эркак ва урғочи зебра пода бошқа ёққа кетганда ҳам боласини кутиб жойидан жилмайди.

«ЗНАНИЕ СИЛА» журналидан.

ФУТБОЛ

«Политотдел» ғалабаси

Ўтган куни «Политотдел» колхоз футболчилари навбатдаги ўйинни ўз майдонларида ўтказиб, Гомелнинг «Спартак» командасини 2:0 ҳисоби билан ютдилар. «Политотдел» командаси 43 та очко билан ўз группасида еттинчи ўринда бормоқда.

ОБ-ҲАВО

Бугун кундузи республиканинг ҳамма областларида булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқ томондан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Урсатьевскда шамолнинг тезлиги секундига 20-25 метргача боради. Ҳарорат 9-14, жануб томондан 20 даражагача иссиқ бўлади.

Тошкентда булут кам бўлиб, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқ томондан секундига 3-7 метр тезликда шамол эсади. 10-12 даражагача иссиқ бўлади.

РАДИО

12 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Ўзбек кинофильм қўшиқлари.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон», 16.00 — «Правда» газеталарининг обзори.

9.30 — Концерт, 10.10 — Концерт, 11.10 — Фан ва техника оламида (ўзб.), 11.25 — Кичик концерт, 12.15 — Оммавий қўшиқлар, 12.50 — Олимлар лабораториясида (рус.), 13.40 — Эстрада концерти, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.15 — Муслим Магомаев куйлайди, 17.00 — Концерт, 18.10 — Каприччио, 18.30 — Қўшиқлар, 19.00 — «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Минск) командалари ўртасида футбол, 20.15 — Концерт, 20.50 — «Социализмнинг иқтисодий қонунлари ва коммунистик қурилишда улардан фойдаланиш» (ўзб.), 21.20 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 22.00 — Телетайп лентасидан (ўзб.), 22.10 — Ўзбек халқ куйлари, 22.40 — «Ўтган кунлар» романи (ўзб.), 23.10 — Эртанги кун эшиттиришлари, 23.20 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

12 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **«Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Минск) командалари ўртасида футбол,** танаффус вақтида — **Телевизион янгиликлар.** 19.45 — **Улмас қўшиқ.** 20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар,** 20.50 — **Ҳаёт учун,** 21.10 — **Шудгорлаш—юқори ҳосил гарови,** 21.30 — С. Кароматов. **Тоғлар табассуми** (телетеатр).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 19.00 — **В. Суриков** («Ажойиб кишилар ҳаёти» циклидан), 19.35 — **Тошкент янгиликлари,** 19.45 — **Яхши кишилар** (телеочерк), 20.05 — **Композитор Арам Хачатурян.**

Рус тилида: 20.35 — **Қаҳрамон изидан** (ҳужжатли фильм), 20.53 — **Тошкент янгиликлари,** 21.05 — **Ўзбек рассомларининг янги асарлари,** 21.30 — **Навбатдаги рейс** (бадиий фильм).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XI да **Концерт,** 13/XI да **Риголетто.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА—12/XI да **Юлдузлар жамоли,** 13/XI да **Қотил.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/XI да **Тошболта ошиқ.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 12, 13, 14/XI кеч соат 7 яримда **Концертлар.** Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Фахриддин Умаров,** солистлардан **М. Мўминова, Р. Мўминова, С. Шукурова** ва бошқалар қатнашади.

КИНО

Бизнинг уй — НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «ДРУЖБА» (2-залда), «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6-15 минутгача).

Улар ўтмайди—«ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Вижеванолик ўқитувчи — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ЧАЙКА» (кеч соат 8 ва 10 да).

ДАВЛАТ МАСАЛАЛАРИДА

АНТИКОММУНИЗМ ТАНҚИДИ

(Боши учинчи бетда).

америкача яшаш манзарасини кўкка кўтариб мақташ учун сўз қидириб ўтиришга ўзларини сира қийнатмайдилар. «Инсон шахсининг қадрига, барча кишиларга, уларнинг ўзлари учун ва ўз болалари учун яхши ҳаёт кечиришни таъминлаш йўлидаги интилишларига эркинлик бериш зарурлигига чуқур ишонч,—дейилади справочникда,—Америка демократиясининг негизини ташкил этади. Американликлар бу эркинлик—виждон, сўз ва йиғилишлар эркинлигида, ўз эътиқодларини эркин баён қилишда, умумий таълим олиш ва умумий сайлов ҳуқуқида мужассамлашган, деб биладилар».1)

Далласда ёлланган қотилнинг қўли билан узилган ўқ АҚШнинг атоқли президентларидан бири — Жон Кеннедининг ҳаётини барбод қилганлиги справочникда Америка демократиясининг фазилати тўғрисида юқорида келтирилган жавобга жиддий ислоҳлар киритади.

Башарти АҚШда Америка президентининг ҳаёти гарантияланмаган экан, Америкадаги оддий кишиларнинг ҳаёти тўғрисида нима ҳам дейиш мумкин? АҚШ энг шиддатли синфий қарама-қаршиликлар мамлакати, ҳокимият, бойлик ва зеби-зийнат бир ҳовуч кишилар қўлида тўпланган, ҳақ-ҳуқуқдан маҳрум этилганлар эрксизлик ва қашшоқликда яшаётган мамлакат эканлигини ким билмайди. Американинг миллионларча меҳнаткашлар аянчли кун кечиришга маҳкум, уларнинг бир қисми эса ишсизлик ва социал ҳуқуқсизлик орқасида қирилиб кетмоқда.

Америка пропагандистлари АҚШга доимий истиқомат қилиш учун келаётган муҳожирларни социал ва моддий аҳволларини ўз қобилиятларига яраша яхшилаш имконияти борлиги, АҚШда турли сиёсий, социал ва диний эътиқод ҳамда маслакларга йўл қўйилиши ва шахсий эркинликларни ҳимоя қилиш традициялари ҳаммадан кўра кўпроқ қизиқтирса керак, деб уялмай-нетмай даъво қилаётирлар. Бу одамларни лақиллатишга қаратилган найрангдир. Бу найранг муҳожирларга мўлжалланган. Справочник авторлари кишилар ана шу найрангнинг тузоғига социализм мамлакатларида ҳам илинадилар, деган умидларни қумсайди. Ана шунинг учун ҳам улар Америка давлат машинаси ва демократиясининг бошқа ҳар қандай тартибларини баландпарвоз иборалар билан мақтаб кўрсатишга уринмоқдалар. АҚШда ирқий камситиш масаласи қандай деган саволга Америкада унинг йўқ бўлиб кетганлиги тўғрисида жавоб оласиз. Айни бир вақтда мамлакатнинг жанубида ирқчилар негрларнинг черковларига ўт қўймоқдалар ва негрларни ўлдирмоқдалар.

Башарти справочникка ишонадиган бўлсангиз, ишсизлар доимий ва катта миқдорда пенсия билан таъминлан этилган. Справочникдаги Американинг 11 президенти «американлик камбағал оилалардан» чиққан кишилар деб ёзилган саҳифаларни ўқисангиз жуда ҳам кулгингиз қистайди. Дарҳақиқат, башарти авторларга ишониладиган бўлса, АҚШ бутунлай капиталистик мамлакат эмас, деб ўйлаш мумкин. Справочникда ҳатто капитализм ва капиталистлар деган сўзларни учратмайсиз. Китобхон 281-бетгагина келиб, ишловчи американликларнинг тахминан 14 проценти хусусий мулкдорлар ёки корхона ва бошқа муассасаларнинг эгалари эканлигини билади. Бироқ мамлакатнинг асосий миллий бойлиги ва ҳокимияти ана шу кишилар қўлидадир. Справочник авторлари бу кишилар ҳақида батафсилроқ ёзишлари мумкин эди, лекин улар бундай қилмаганлар. Бу эса бежиз эмас. Чунки справочникнинг ўз олдига қўйган вазифаси бор. У мулкдорлар ҳокимиятини китобхон назаридан яшириши, социал қарама-қаршиликларни текислаб юбориши, АҚШни умумий фаровонликка эришаётган давлат, меҳнат билан капитал ўртасида тинчлик ҳукмронлик қилаётган, ишчилар — акционерлар, корхона эгалари бўлган давлат сифатида кўрсатиши керак.

Меҳнат билан капиталнинг бир-бирига «мослиги», «уйғунлиги»га даъват — умумий фаровонлик давлати тўғрисидаги буржуа назариясининг асосий мазмуни бўлиб, бу нарса фақат АҚШдагина эмас, балки шу билан бирга бошқа бир қанча капиталистик мамлакатларда (Англия, ГФР, Япония ва шу кабиларда) ҳам жуда кенг тарқалган.

Англиялик Ж. Фейблмен умумий фаровонликка эришган буржуа давлатининг алоҳида ролини шунда деб биладики, гўё бу давлат ҳамманинг назар-эътибори олдида обрў қозонган, социал қарама-қаршиликларнинг олдини олишга ижтимоий тартиб сақлашга қодирдир. Умумий фаровонлик давлати тўғрисида гап сотаётган ва унинг шовқин-сурони билан қулоғи кар бўлиб қолган баъзи буржуа идеологлари ана шу назарияни ҳар тарафлама аҳамиятга эга бўлган сиёсий тафаккурнинг пишиб етилган маҳсули деб кўрсатишга уринмоқда. Сўнгра, социализм ва капитализмнинг бундан кейинги тараққиёти қарама-қаршиликларни «текислаш» йўлидан боради ва пировардида, икки ижтимоий тузум «дурагай» тузумга айланади, деган хулоса чиқарилади.

Иккита социал система ўртасида бўлган «тафовутларнинг нисбийлиги тўғрисида»ги назариянинг асосий пропагандистларидан бири — америка социологи ва тарихчиси, ўтмишда дипломат Жорж Кеннандир. Тафовутлар «абсолют характерга эмас, кўпроқ нисбий характер»га эга эканлиги тўғрисидаги тумтароқли иборани тўқиб чиқарган киши Жорж Кеннан бўлади. «Рус коммунизмининг мақсади ва тенденциялари ҳам индустрлашган либерал Ғарбнинг мақсад ва тенденциялари қандай бўлса, худди ўша йўлга қаратилган», деб даъво қилади Ж. Кеннан. Шундай қилиб, буржуа пропагандистлари социалистик жамиятнинг ва шу жумладан, совет жамиятининг ривожланиши капиталистик жамиятнинг тарихий йўлларидан нусха кўчиришдан иборатлиги тўғрисидаги фикрни тиқиштиришга уринмоқда. Шу сабабли совет давлати келажакда «умумий фаровонлик давлати»нинг коммунистик бир тури бўлиб қолиши керак эмиш. Ҳатто «Коммунистик фаровонлик давлати» деган янги термин ҳам кашф қилинган. Шу тарика башарти коммунизм фаровонликка эришган буржуа давлатининг атиги бир тури экан, меҳнаткашларга коммунизм учун кураш олиб боришнинг нима даркори бор эмиш. Ғарбда ҳукмронлик қилаётган «фаровонлик» меваларидан баҳраманд бўлиш осонроқ эмасми эмиш. Социалистик системанинг меҳнаткашлар оммасининг онгига таъсир кўрсатиш кучини ҳар қандай воситалар билан амортизация қилишга уринаётган антикоммунизм идеологлари мулоҳазаларининг пировард маъноси ана шундан иборат.

Ғарбий Германиянинг буржуа ҳуқуқ назариётчилари ҳам антикоммунизм меҳробига ўз ҳиссаларини қўшиб қолишга ошиқмоқда. Улар социалистик давлатимизга қарши қаратилган ҳамлаларини ҳуқуқ системаси бўлган буржуа давлати ҳақидаги догматик концепсия позициясидан туриб олиб бормоқда. Улар КПСС ва совет давлатининг СССРда коммунистик қурилиш кенг авж олдирилган даврда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш юзасидан белгилаган тадбирларини ҳуқуқ системаси бўлган буржуа давлат назариясига совет жамиятининг ён бериши, деб қарамоқда.

Уларнинг фикрича, совет-давлат ҳуқуқ системасига ҳуқуқ ҳукмронлиги етишмас, ана шунинг орқасида қонунчилик бузилар эмиш. Бундай ҳолга ҳуқуқ системасига эга бўлган ва ҳуқуқнинг ҳукмронлик роли давлат-ҳуқуқ системасининг марказига қўйилган назарияни қабул этиш билан барҳам бериш мумкин эмиш. Ғарбий Германиядаги антикоммунизм идеологлари фактларни ҳаспўшлаб, СССРда социалистик жамиятнинг аҳамиятини камситишга, социалистик давлатга нодемократик характер беришга уринмоқда.

Сўнгра, яна шундай хулоса ҳам чиқарилади: совет давлат-ҳуқуқ системаси Ғарбнинг энг янги концепцияларини қабул қилиш йўлидан борсагина совет жамиятидаги ишларнинг аҳволини тузатиш мумкин эмиш. Ғалати мантиқ. Совет жамияти буржуазия идеологиясининг концепцияларидан бирон бир нарсани қабул қилишга муҳтож эмас. Совет жамияти марксизм-ленинизмнинг метиндек мустаҳкам негизига ва СССРда ҳамда бошқа социалистик мамлакатларда давлат-ҳуқуқ қурилиши эришган жуда катта тажриба асосига қурилган.

СССРда социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш — социалистик жамиятимизни ривожлантиришнинг ажойиб қонуниятларидан бирининг ифодаси бўлиб, унинг ҳуқуқ системасига эга бўлган давлат ва ҳуқуқ ҳукмронлиги ҳақидаги буржуа назарияларига умуман ҳеч қандай алоқаси йўқ. СССРда социалистик қонунчилик совет гражданларининг демократик ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда умумхалқ социалистик давлати ва ҳуқуқининг бошқа барча демократик тартибларини таъминлашнинг муҳим воситасидир.

Б. ШЧЕТИНИН.

---

1) «АҚШ жавоб беради», Нью-Йорк, 1960 йил, 9-бет.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

ЛОЙИҲА-СМЕТА БЮРОСИ

билдирадики,

1966 йилнинг I ва II кварталларидаги

ремонт-қурилиш ишларига

лойиҳа-смета ҳужжатларини тузишда тўхталиш бўлмаслиги ва уларни заказчиларга ўз вақтида бериш учун

ЗАКАЗЛАР

18 ноябргача қабул қилинади.

Бу муддатдан кейин берилган заказлар сўнгги навбатда бажарилади.

Парашют кўчаси, 70-уйда турувчи **Анатолий Николаевич Маркановнинг** Лоҳутий кўчаси, 32-уй, 16-квартирада турувчи Вера Константиновна Маркановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар Октябрь район халқ судида кўрилади.

Тошкент политехника институтининг ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари республикада хизмат кўрсатган ихтирочи, техника фанлари кандидати, доцент, химия саноати ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш кафедрасининг мудири

Ҳусниддин ТОШПУЛАТОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС 64543.
№ В. 265. Р. 11749